

2

КЕЛИН ЧЕМПИОН, КУЁВ ПОЛВОН



4

МИЛЛИЙ КИЙИНИШГА ЭҲТИЁЖ БОР



6

БОҒЧА МУДИРИ ЭРКАК



11

КОРЕЙС БЎЛИБ ТУҒИЛГАН ЎЗБЕК АЁЛИ


# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

9 (903) сон

19 — 25 февраль 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz


***...Январнинг ўртасидаям Қўйлиқ бозорида исмалоқ кўрувдим!***

***...Бойсунда бодом гуллаганига ўн кун бўлди!***

***...Чустнинг Ғоввасойида машҳур деҳқон Дагарвой ака қор оралаб, бир ҳафта бурун қадаган ниҳолларимни совуқ урмаганмикан, дея хавотирланиб юрибди!***

Бундай суҳбат-гурунгларни ҳар куни эшитяпмиз. Аслида бизнинг жаннатмонанд Ватанимизга, тупроғида "олтин гуллайди"ган юртимизга БАҲОР бирор бир тақвим билан кириб келмайди. Бу бетакрор фасл кутилмаганда энг аввало кўнглимизга ўзининг жаннатий ифорлари билан, сўнг эса... ҳамма шаҳару қишлоқларимизга тўрт тарафни гуллатиб-яшнатиб, ташриф буюради!

Зеро, ажиб Баҳор ҳақида машҳур шоиримиздан ўтиб, яна ўзгачароқ таъриф айта олармиканмиз:

*Қоялар кўксида шодмон, бекайғу*
*Оний умри билан солланар чечак.*
*Баҳор — энг покиза шаббодадир бу,*
*Баҳор — энг тоза бир шамолдир демак!*



*ҚАРОР ВА ИЖРО*

## ЙИГИТЛИК ҒУРУРИ АСКАРЛИКДА

Юртбошимизнинг 2008 йил 20 ноябрда эълон қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига мувофиқ жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли хизматга чақирув йилда бир марта — февраль-март ойларида ўтказилиши йўлга қўйилди.

Хизматга бориш учун йигитларимиз танловдан ўтиши, тўлиқ умумтаълим даражасига эга бўлиб, соғлом, жисмонан чиниққан бўлиши талаб этилади.

2-бет →

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Академияда уч ҳафталик ўқиш 2

Японияда ўзбекча куйлар янгради 3

Қўй гўштини эчкиникидан ажрата оласизми? 5

Унинг «айби» уч қизни туққани... 7

Ўз нафсингизга қул бўлманг 11

Аёлларга 3-4 килодан ортиқ юк кўтариш мумкин эмас 12


BOLALAR DUNYOSI

Qimmatga tushgan hazil 13

Ранг кўр, ҳол сўр, деганлари ростми? 15

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ЙИГИТЛИК ҒУРУРИ АСКАРЛИКДА



Юртбошимизнинг 2008 йил 20 ноябрда эълон қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига мувофиқ жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли хизматга чақирув йилда бир марта — февраль-март ойларида ўтказилиши йўлга қўйилди.

Хизматга бориш учун йигитларимиз танловдан ўтиши, тўлиқ умумтаълим даражасига эга бўлиб, соғлом, жисмонан чиниққан бўлиши талаб этилади.

Чақирув комиссияларининг ишида ошкораликни ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг вакиллари киритилган.

Куни кеча Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу куни «Тошкент» темир йўл вокзали ота-оналар, кузатувчилар билан гавжум эди. Бири фарзандига манзилига етиб борган заҳоти хат-хабар йўллашини тайинлайди. Яна бирови ўғлига командирларининг топшириқларини оғишмай бажариши кераклигини уқтиради. Бир аёл бўлса, ўғлининг эндигина кийган ҳарбий либосига завқланиб қарайди... Биз фурсатдан фойдаланиб, фарзандларига оқ йўл тилаб хайрлашаётган ота-оналарнинг фикрларига қулоқ тутамиз.

Юнусобод тумани, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев маҳалласидан келган Зойит ака Аъзамовнинг ўғли Рустамжон 19 ёшда экан. У яқиндагина ҳайдовчилик курсини тамомлабди.

— Яқинда ўғлим: «Дада, муддатли ҳарбий хизматга кетаман», деб қолса денг. Буни қаранг, аллақачон катта йигит бўлиб қолганини сезмабман-а,—дейди отаси ғурурланиб.

Зойит ака истиқлол шарофати туфайли ўз юртимизда хизмат қилиш бахтига муяссар бўлган фарзандини чин дилдан қутлаб, «илоё, Ватанга содиқ ўғлон бўлгин!»,—дея оқ фотиҳа берди. Ўзларининг айтишларича, Зойит ака ва у кишининг турмуш ўртоғи Муҳайё опалар ўғилларининг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига ёшлигидан бошлаб яхши эътибор беришган экан. Унинг ортидан эса яна бир бўлғуси аскар Жасурбек ҳам вояга етаяпти. У ҳозир 2-синфда ўқир экан. Акасини кузатишга чиқибди.

— Рустамжонсиз уйда қийналиб қолмайсанми? Ахир у катта эди, сенга ёрдам бериб, қўллаб турарди, соғинасанми? — сўраймиз Жасурбекдан.

— Албатта соғинаман. Ўзим унга хат ёзаман. Мана, ҳозиргина уларни суратга олдим. Хат ёзсам, расмини ҳам қўшиб жўнатаман...

Ҳаяжондан кўзларидаги севинч ёшларини тўхтата олмаётган Фотима Қосимова шундай дейди: «Кечагина ўғлим Баҳромжонни боғчасига олиб бориб юрардим. Мана энди, қаранг, у ҳарбий либосни кийгач, улғайиб қолганини ҳис қиляпман. Кап-катта йигит бўлибди. Уйдан чиқаётганида, яхши ниятлар билан нон тишлатдим. Ўғлим: «Ойижон, яхши хизмат қилиб, ҳарбий қисмда қолмоқчиман»,—деяпти. Илоё, болажонимнинг ризқи бутун, толеи баланд бўлсин.

Ёшлигидан ҳарбий бўлишни орзу қилган Баҳромжон шу соҳада хизмат қилаётган тоғаси қачон уйларига меҳмон бўлиб келса, фуражкасини кийиб, кўчага бир чиқиб, ўртоқларига мақтаниб қайтар экан.

Дилмурод деган йигитни кузатишга чиққан дўстлари Алишер ва унинг адаши Дилмуроджонлар «бизлар ҳам келгуси йил албатта ҳарбий хизматга борамиз»,—деб ният қилишди. Ўғлининг келбатидан кўз узолмай турган Раъно опа эса: «Ўғлим армияга бориб, йигитликнинг ҳақиқий мактабини ўтасин. Шундагина Ватани, ота-онаси, севган инсонлари қадрига етади, — дейди сафланган йигитлар орасидан фарзандини нигоҳлари билан изларкан...

Ҳа, чин дилдан аскар бўлмоққа бел боғлаб, йигитликнинг энг катта синовини ўташ учун сафарга отланган бу ўғлонлар эртага, албатта ёруғ юз билан ўзларининг меҳрибон, ота-оналари, маҳалладошлари бағрига қайтишади. Оқ йўл сизга, Ватан ҳимоячилари!

**Нигора РАҲМОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**




## ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

*Куни кеча Ўзбекистон Болалар жамғармасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда 2008 — йил «Ёшлар йили» Давлат дастури ҳамда «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури»нинг бажарилиши, шунингдек, жамғарма ва унинг вилоятлардаги бўлимлари томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлари сарҳисоб қилинди.*

Мазкур масала юзасидан жамғарма раиси И.Юсупова ҳисобот бериб, жамғарманинг 2008 йилги фаолиятида қўлга киритган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил этилди. Шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан вазифалар белгиланди. Ушбу масалалар юзасидан сўз олган пленум иштирокчилари жамғарма фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан ўз мулоҳазаларини, таклифларини билдирдилар.

**(Ўз мухбиримиз).**

## ВАЗИРЛИКДА МУЛОҚОТ

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлди.*

Ўзбекистон Республикаси «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонунининг асосий мақсади — қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг соҳа ходимлари олдига қўйган асосий вазифалари одамлар ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб боришдир.

Анжуман сўнггида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфидаги бошқармалари маъсул ходимлари ОАВ вакилларига Қонуннинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ саволларга жавоб бердилар.

**Лутфия СУЯРОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# УЧ ҲАФТАЛИК ЎҚУВ



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Наманган вилоятларида фаолият кўрсатаётган шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари ва мутахассислари учун махсус ўқув курси ташкил этилди.

Улар учун модуль асосида ташкил этилаётган уч ҳафталик малака ошириш махсус курс машғулотларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юксак маънавият-енгилмас куч» китобининг мазмун-моҳияти», 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган асосий вазифалар ва уни амалга оширишда ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг вазифалари», аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ошириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш каби долзарб мавзуларда маъруза-мунозаралар ўтказилаяпти.

Ушбу курсларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мутахассислари ҳамда мазкур академиянинг профессор-ўқитувчилари жалб этилган.

**Ўз мухбиримиз.**

МЕҲР ҚОЛУР

# КЕЛИН ЧЕМПИОН, КУЁВ ПОЛВОН

***Бухоронинг ибратли хонадонларидан саналмиш Жўраевлар оиласига келин бўлиб тушган Диана Сулейманова — асли озар қизи. Тақдир тақозосига кўра, у сингиллари Лиана, Марианна, укаси Феруз билан бирга Бухородаги Меҳрибонлик уйига келиб қолишганди. Ота-онасидан эрта айрилиб, бу гўшадан паноҳ топган гўдаклар ўз тенгдошлари орасида интилувчанликлари, илму ҳунарга чанқоқликлари билан ажралиб туришарди.***



Болалигидан шарқона яккакураш турлари билан шуғулланган Диана 9-синфни тугатгач, Бухородаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида ўқиди. Севимли спорт тури Тўрон якка кураши билан ҳам жиддий шуғулланди. Натижада бир неча бор республика, икки марта Осиё чемпиони бўлди. Шу билан биргаликда ўзи ўқиган коллежда тренер бўлиб ишлай бошлади. Бу хушсурат, муомаласи ширин қизни Муҳиба опа Қурбонова бир кўришда ёқтириб қолди. Ўғли Аминжон ҳам спортнинг миллий кураш тури билан шуғулланар ва Дианани яқиндан танир экан. Бир-бирига чин дилдан кўнгил қўйган икки ёшнинг бахт тўйи бўлди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, «Соғлом авлод», Болалар жамғармаларининг вилоят бўлимлари, вилоят ва шаҳар прокуратуралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят ва Бухоро шаҳар кенгашлари, жамоатчилик вакиллари Аминжон билан Диананинг тўйига ҳомийлик кўрсатишди. Янги оила учун зарур бўлган барча уй-рўзғор буюмлари ёшларга совға қилинди.

Келгусида бу ёш спортчилар оиласининг режалари катта. Диана университетда ўқишни, Аминжон эса ҳарбий соҳада билим олишни режалаштирган.

**Моҳигул НАЗАРОВА,**
**Бухоро вилояти.**

**Узоқ умр кўриш одамзотнинг азалий орзуси бўлиб келган. Лекин унга эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермаслиги ҳақиқат. Шундай бўлса-да, асрларга гувоҳ бўлмоққа талпиниш бугун ҳам бутун дунё аҳлини қизиқтираётган энг муҳим масаладир. Бу борада изланишу тадқиқотлар олиб борилмоқда.**

✓ ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

# 126 БАҲОРНИ КЎРГАН МОМО

## Қадим Бухорои Шарифнинг Ромитан туманида яшаяпти

Бундан икки йил муқаддам «Кексалик ҳикматлари» деб номланган китоб муаллифи Турсунхўжа Ҳидоятхўжаев узоқ яшаш билан боғлиқ бир неча қизиқарли маълумотларни айтиб, бухоролик 128 ёшли Яхшигул момо ҳақида ҳам гапириб қолди. Очиғи, бу гапга ишонгим келмади. Негаки, айрим ахборот воситаларида 110-115 ёшлилар дунёнинг энг кекса одамлари, дея шов-шув тарқатилаётган бир пайтда бизнинг юртимизда наҳот шундай нуроний онахон яшаётган бўлса?! — деган шубҳа кўнглимда бор эди ва шу гап рост бўлса ҳеч иккиланмай онахонни Гиннеснинг «Рекорд китоби»га киритса арзийди.

Азбаройи дунё кўрган, ҳизрсифат бундай инсонлар ҳақида маълумот тўплашга қизиққаним боис Бухорога жўнашдан аввал узоқ яшаётганлар тўғриси тўпланган айрим маълумотларни кўздан кечирдим: Италиялик 106 ёшли Роза Фарон вақт ўтган сайин танасида қариш ўрнига ёшариш аломатлари кучаяётганини эътироф этган. Доғистонлик Гаирхон Рисхонов 2001 йилда ер юзининг энг кекса кишиси сифатида ўзининг 134 ёшини нишонлаган. Кўп яшаш сирини авлодларидан ўтган, деб ҳисоблаган ва тўғри турмуш тарзига риоя қилиш керак, деган. У ҳеч қачон спиртли ичимликлар ичмаган, чекмаган ва ҳар қандай шароитда ҳам асаб бузилишдан сақланган. Уч марта уйланиб, 9 фарзанднинг отаси, 39 невара ва 50 эваранинг бобоси бўлган. Озарбайжонлик Шерали Муслимов эса тахминларга кўра, 168 йил яшаган, дейилади. 136 ёшида 53 ёшли аёлга уйланиб, ўғил фарзанд кўриб, бу борада ягона рекорд соҳиби...

Хўш, бизнинг юртимизда-чи? Шундай умрбоқий кишилар кўпмикан? Чунки, табиати ва сувининг мусаффолиги, иқлимининг бетакрорлиги, одамларининг илм-маърифатга ташналиги-ю, беғубор ва беғаразлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу заминда ҳам шубҳасиз, узоқ яшаш учун ҳам шарт-шароит бор.

Хуллас, 128 ёшли Яхшигул момо Ғофуровани зиёрат қилмоқ ниятида қадим Бухорои Шарифга отландик. Йўл-йўлакай бир дунё ўй-хаёллар оғушида кетаяпману сал кам икки асрга гувоҳ бўлмиш бу онахоннинг умр дафтарига битилган турли даврлар силсилалари бирмабир кўз олдимдан ўтаверди. Табаррук онахон бугунги дориломон кунлар ҳақида қандай ҳаяжонли ҳикояларни сўйлар экан,—дейман ўзимча. Ниҳоят, поезддан тушдигу тўғри Қоракўлга — қаҳрамонимиз қишлоғига шошилаётганимизни айтсак... мезбонлардан бири хижолатли оҳангда: «Узр энди, сизларни овора қилибмиз-ку, кеча кечқурун эшитсак денг, Яхшигул момо дунёдан ўтибдилар», — деса бўладими? Ғалати бўлиб кетдим. Бир ойдан бери чин дилдан тайёргарлик кўриб юрган режаларим энди нима бўлаРкан, деган хавотирда эдим. Ўртадаги кутилмаган вазиятни вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Юсуф Қурбонов юмшатди:



— Вилоятимизда 150 дан ортиқ юз ёшдан ошганлар умргузаронлик қилади. Шу киши билан учрашсангиз-чи... Ромитанда 126 ёшга кирган яна бир дуогўй онахонимиз бор.

Бу таклифни эшитиб, кўнглимиз кўтарилди. Шарифа ая яшайдиган Муллоён қишлоғига йўл олдик. Ромитаннинг қадим анжирзорларидан ўтаётиб, узоқ умр кўришга ушбу шифобахш неъматнинг ҳам таъсири бўлса керак, деган ўй кўнгилдан ўтди. Чунки бу ғаройиб неъмат таркибида инсоннинг руҳий ва жисмоний дунёсига беқиёс таъсир кўрсатувчи моддалар бор. Ҳатто Ибн Сино ҳазратлари ҳам анжирнинг бебаҳо хосиятига алоҳида таъриф берган.

Шарифа биби хонадонига кириб борганимизда ҳовли тўла одам эди. Бирор тадбир ўтаётган бўлса керак, деб ўйласак, уларнинг бари момонинг фарзандлари, невара-чеваралари экан. Бу давրани кузатиб турганимизни кўриб, мезбонлар онахон ҳузурига чорлашди. Жуда дилкаш ва очиқкўнгил инсон экан аямиз. Гурунг ҳам қизиб кетди. Мени ҳайратга солган нарса — Шарифа бибининг хотираси ниҳоятда кучли ва тиниқ эди. Кўнглимизда эса турли-туман саволлар кўп эди. У кишининг пешонасидаги ажину чизиқларда ҳам ҳикматли ёзувлар битилгандек эди гўё.

— Бибижон, биз сизни Тошкентдан 126 ёшга кирган энг табаррук онахон сифатида излаб келдик.

— Эби, Тошкандан келдингизми, шунча жойдан-а? — дея гапимизни бўлиб, савол бермасимиздан аввал ўзлари сўзлай кетди:

— Болам, не-не замонларни кўрдим-а. Худога минг қатла шукр, шунча умр берди, ризқнасиба берди, фарзандларим кунимга яради. Ҳозирам невара-чевараларимга айтаман: бир бурда нонга зор бўлиб, очликдан ўлиб кетганларни кўрдик, оғир—очарчилик даврларда тиланчи бўлиб, кафансиз кетганларни кўрдик. Лекин чидадик, сабр қилдик. Энг муҳими, ҳеч қачон ётиб нон еганим йўқ, неки топган бўлсам, меҳнатимни орқасидан топдим...

Онахон жўшиб гапираяптилару бугун 60-70 ёшларни қоралаб қолган неваралари хижолат бўлиб «бир ҳикоялари бошланса, қани энди ёзиб оладиган одам топилса, китоблар ёзса бўлади хотираларини эшитиб», — дейишди.

Мени эса битта савол кўпроқ қизиқтирарди: **126 ёшга кириш дегани — бу катта қаҳрамонлик-ку! Шунча йил яшашнинг қандай сир-синоати бор экан?**

Шарифа бибининг жуда қисқа ва лўнда жавоби шундай:

— Энг аввало, ҳар ким Оллоҳ раво кўрган умрни, ҳаётни яшайди. Лекин одамнинг ўзигаям боғлиқ жиҳатлари кўп. Ҳалол, покиза яшаш керак. Ҳаромдан ҳазар қилинг. Ишлаш керак, ишлагандаям пешона терлаб меҳнат қилсангиз яхши. Менимча, ҳеч қандай сири йўғ-ов. Муҳими, асабни, мияни асранг. Ана шунда юрак ҳам, барча танангиз ҳам бутун бўлади!..

Волидаи муҳтарамасининг ибратли гапларини эшитиб ўтирган 81 ёшли кенжа фарзанди Ёри ота Бозоров шундай дейди қўшимча қилиб:

— Онамиз мен эсимни танибманки, гоҳ қўлида кетмон билан далада чигит экиб, пахта ундирган, гоҳида сув қуйиб, ўтоқ қилган, эрта кўкламда пилла етиштириб, пахта очилиши билан белга этак боғлаб, пахта терган. Ишонасизми, онажонимиз ўша пайтларда қачон ухлаб, қачон турганини ҳеч эслолмайман. Қолган ишларни тасаввур қилаверинг ўзингиз. Ўзлари айтиб қолади, «бошимда 40-50 кило пахта, қўлимда битта боламни кўтариб кетавердим», деб.

Овқатланиши ҳақида ҳам жиддийроқ режим сақлаганини айтолмайман. Чунки, борига шукур қилиб, топганини бизлар билан баҳам кўрганлар. Овқат танламайди. Лекин қуруқ ва ҳўл меваларни истеъмол қилишни ҳеч қачон канда қилмайдилар. Айниқса, ўзимизнинг анжирни жудаям хуш кўради. Энг муҳими, ҳали ўзлариям айтдилар-ку сизга, бирор марта асаблари бузилиб, жаҳл отига минганларини кўрмаганман. Ҳасад ва қаҳрғазаб умрнинг заволи, деган гапни бизларга кўп такрорлайдилар. Яна бир жиҳати — доим пиёда юришни яхши кўради...

Дарвоқе, Шарифа биби Бозорованинг тўрт тарафини ўраб олган чевара-эваралари ҳам ҳеч тинчлик бермасди: «Бибижон, бизларга айтиб берган аллаларингизни бу кишига ҳам бир хиргойи қилиб беринг». Ёри ота бўлса, болаларга танбеҳ беради: «Қўйинглар энди, эртакларингни. Толиқиб қолмасин тағин. Қани, ҳамма уй-уйига!» Уларнинг эса бибижонлари ёнидан сира кетгиси келмаётгани шундоқ сезилиб турарди.

Гурунгимиз орасида Шарифа биби бу дунёдан ўтиб кетган раҳматлик умр йўлдоши Рустам бобони ва бир неча фарзандларини ҳам хотирлаб, кўзларига ёш олиб қўйди. Энг катта невараси Норбегим ая ҳам 70ни, ўртанча невараси София опа эса 55 ёшни қоралаб қолганини айтар экан, уларнинг нечталигини ўғлидан секин сўраб ҳам қўйди. Сўнг эса чевараларини, эвара-ю ҳатто «бегона»ларни ҳам ҳазиллашиб гапирганларида: «Бир авлод — сулола эмасми, бегонаси ҳам бўладими?», — десак, қаҳрамонимиз: «Билмасам болажоним, бу ҳам бир ҳазил учун айтилган бўлса керак-да, қаранг, кучоғимда ўйнаб ўтирган Жаҳонгир Мирзом 2 ёшга кирди. Анави тўполончилардан кўра, мана шу миттивой менга жуда ширин-да», — дедилар кулимсираб...

**Рўзибой ҚЎЛДОШЕВ,**
**журналист.**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Қадрли муштарийлар, муҳтарам ҳамкасблар! Албатта, мамлакатимизнинг турли бурчакларида биз бугун баҳоли қудрат ҳикоя қилган 126 ёшли бухоролик Шарифа ая Бозорова билан қисматдош, яъни юз билан юзлашган отахону онахонлар ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари орқали ўрнак бўлиб яшашяпти. Ана шундай тақдир соҳиблари ҳақида газетамизга ёзиб юборишингизни сўраймиз.***

✓ САНЪАТ

# ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКЧА КУЙЛАР ЯНГРАДИ

Мусиқанинг кучини сўз қудратига тенглаштириш мумкин. Зотан инсон кўнглида кечадиган бирон туйғу, армон ёки қувонч ҳисси йўққи, уни сўз орқали ифода этиб бўлмаса. Ўзбек мусиқа анъаналарини жаҳон саҳналарида муваффақиятли намойиш этаётган созандалар орасида иқтидорли ёшлар ҳам оз эмас.

Японияда ўтказилган "Ёш ижрочилар халқаро фестивали"да мусиқий академик лицейи ўқувчиси Мансур Қодиров ўзига хос ижро услубини намойиш этди.

– Мусиқа чегара билмайди. Миллий куйлар ғижжак, виолончел, рубоб ва най каби чолғу асбобларида турлича куйланади, ўзига хос янграйди, – деди Мансур Қодиров. – Японияда хорижлик санъат ихлосмандлари мендан европача асбобда ўзбек миллий куйларини ижро этишимни сўрашди. Шунда мен ўзбек миллий куйларини виолончелда ижро этиб бердим.

Ўзбекистонлик ёшларнинг фестивалдаги муваффақияти кунчиқар мамлакат оммавий ахборот воситаларида ҳам эътироф этилди. Мусиқий академик лицейнинг яна бир тарбияланувчиси Жасур Ўткиров ҳам миллий чолғу асбоби чанг чалиш сирларини ўрганаётган бўлса-да, жаҳон мусиқасида кечаётган ўзгаришларни ҳам кузатиб боради. Ёш созанда кўнглида ғижжак, най, доира, танбур каби миллий чолғулардан жаз оҳангларини чиқариш фикри туғилди ва етти кишилик ансамбл ўтган йили Япониядаги "Жаз фестивали"да иштирок этди.

– Ўзбек чолғуларида жаз оҳанги чалинмаган экан, – деди Жасур Ўткиров. – Биз ушбу фестивалда ўзбек миллий чолғуларининг чексиз имкониятларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

МУНОСАБАТ

# МИЛЛИЙ КИЙИНИШГА ЭҲТИЁЖ БЎЛАДИ

## Изоҳга ҳожат бор…



Ҳозирги даврнинг энг кўп тилга олинадиган, долзарб мавзуси нима эканлигига эътибор берганмисиз? Бу саволга кимдир сиёсат, иқтисод, кимдир глобализация, кимдир экология, яна кимдир саломатлик, оила масалалари, бошқа биров ёшлар муаммолари, маънавият деб жавоб бериши мумкин. Қўйингки, ҳар ким ўзининг дунёқараши, шуғулланадиган фаолияти, қизиқишлари, тасаввури, кузатувидан келиб чиқиб турлича жавоб беради. Бу саволга биз маънавият, айниқса ахлоқ мавзуси энг долзарб, деб жавоб берган бўлардик. Чунки биргина ахлоқ тушунчаси ҳамиша миллий тарбиямизнинг асоси ҳисобланган.

Сўнгги пайтларда матбуотда ёшлар тарбияси, одоб-ахлоқи билан боғлиқ мавзуларда кўп чиқишлар бўлаяпти. Унда асосан, ёшлар тарбиясидаги салбий кўринишларга эътибор қаратилмоқда. Айтайлик, шундай муносабатлар кўпроқ уларнинг ташқи кўринишига, яъни кийиниш маданиятига нисбатан билдирилмоқда. Йигит-қизларнинг кийимлари борган сари миллий анъаналаримиздан узоқлашаётгани, тор, калта, очиқ кийимларга қизиқиш борган сари ортаётгани, бу миллий менталитетга зидлиги танқид остига олинмоқда. Ёшлар шаънига нисбатан кескин, эътирозли бўлса-да, билдирилаётган бундай фикрларда жон бор. Бироқ...

### ТАРОЗИНИНГ ПАЛЛАСИ ТЕНГМИ?

Бу қарашларда бир томонламаликка йўл қўйиляптимикан? Ва шу ўринда ҳақли савол туғилади: «Катталарни ёшларнинг тушунчалари, қарашлари, қизиқишлари, орзу-истаклари, мақсад ва интилишлари қизиқтирадими? Ёшларнинг нима учун ўзга юрт модаларига ружў қўяётганлигининг сабабларини ўйлаб кўрганмизми? Уларнинг кийинишида нима муҳимлиги: миллий қадриятларми ёки умуминсоний тушунчаларми, бу ҳақда тасаввуримиз қандай? Ҳақиқатан ҳам мода деган тушунча ёшларимизни бузаяптими? Кийиниш маданиятининг ўзгариши ёки бузилишига фақат янгиликка ўч ёшлар сабабчими? Уларни миллийликка қайтаришга қандай воситалар тўсқинлик қиляпти?

### КИЙИНИШ ЎРГАНИШДАН БОШЛАНАДИ

Кийим-кечакнинг инсон руҳияти, феъл-атвори, кайфияти, тарбияси ва ниҳоят, дид-фаросат билан боғлиқ айрим жиҳатлари бор. У аввало иқлим шароити, танани иссиқ-совуқдан ҳимоя қилиш мақсади билан боғлиқдир.

Дастлаб жундан мато тўқиш ва ундан кийимларни тикишни ўрганган одамзод кейинчалик пахта ва ипак толаларини пайдо бўлиши билан либосларга бирмунча ихчам, қулайлик ва гўзаллик бахш этди. Инсон тафаккурининг ривожланиши, унинг либосига ҳам маданийликни олиб кирди. Натижада либосга қараб, ҳар бир давр кишиларининг кийиниш одоби, маданияти хусусида фикр юритиш мумкин бўлган. У билан маълум шахслар, ижодкорлар–яъни модельерлар, дизайнерлар шуғулланишади. Либослар ҳам ижод маҳсули ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бевосита шу соҳа саноати билан шуғулланувчи «Кристиан диор», «Маркиза», «Пол Маккарти», «Шанель», «Жорж Армани» компанияларининг маҳсулотлари дунё бозорида энг юқори ўринларни эгаллайди. Уни урфга, одатда эл назарига тушган кишилар олиб кирадилар. Шу билан бирга кундалик ҳаётда миллий либос кийишда ўз мезонига содиқ бўлган кишилар ҳам истаганча топилади.

Ёшларимиз очилиб кетаяпти, шарм-ҳаё, андиша қолмаяпти, деб нолишади кексаларимиз. Аммо ҳар бир шахс оилада камол топади. Уни атрофида тергайдиган ота-онаси, буви-бобоси, амма-холаси бор. Улар ўзлари рисоладагидай миллийликни талаб қилиб туриб, боласини институтдаги ўртоқларидан қолмасин, деб ёки ҳозир ҳамма шундай кийинади, деб қизларига тор шим, калта юбка ёки елкаси, қорни очиқ кийимларни кийишга изн бераётган экан, демак, бу борада фақат ёшларни айблаш адолатдан десак, тўғри бўлармикан?

### ЎРНАКЛИК ЎРГАТИШ ЭМАСМИ?

Миллий кийим кийиш замондан орқада қолиш ёки маданиятли бўлишга тўсқинлик қилмайди. Балки ўзига хослик, азалий анъаналарга содиқлик орқали бошқаларда миллатга бўлган ҳурматни оширади. Ўзбекистон халқ шоирлари Ғафур Ғулом, Миртемир, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Муроджон Аҳмедов, Ғанижон Тошматов, Ориф Алимаҳсумов, Фаттоҳхон Мамадалиевлар умрларининг охиригача бошларидаги дўппига содиқ қолганлар. Ёки халқ ардоғида бўлган санъаткорлар: Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоеваларнинг эгнидан атласу бекасамлар тушмаган. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева сочини майда ўриб, бошига ироқи дўппи, эгнига хонатласдан қўйлак кийиб, дунёга ҳақиқий ўзбек аёли тимсолини намоён этаётир. У ўзининг миллий имиджини сақлаш орқали ўзбек маданиятининг фидоий тарғиботчиси ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозов бошчилигидаги «Сурхон» гуруҳи нафақат халқона қўшиқлари билан, балки миллий либослари орқали ҳам фольклор санъати намуналарини, қадимий кийиниш анъаналари билан уйғунликда намойиш этмоқда. «Ёшлар» телерадиоканалининг «Киномания» кўрсатуви бошловчиси Лола Зуннунованинг миллий имиджи ёшларимизни ўзига тортаяпти. Шу маънода миллий кийимлар кийиш ҳақида гапиришдан кўра, бу борада ўрнак бўлишнинг таъсири кучлироқдир.

### МАҚСАД ЭЪТИБОРНИ ТОРТИШМИ?

Бугунги ёшларимиз жуда қизиқувчан, ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмайдилар. Айниқса, дунёда пайдо бўлаётган модалар ҳамиша уларнинг диққат марказида. Аммо унга кўр-кўрона эргашиб, домига тушиб қолмаслик керак. Балки уни қабул қилишда ҳам дид, фаҳм-фаросат ва билим зарурдир.

Кўчадаги ёшларни кийинишларига қараб уч гуруҳга ажратиш мумкин. **Биринчи гуруҳ**га мансуб қизлар замонавий ва миллийлик ўртасида рисоладагидай кийинишади. Юбкалари тиззадан пастда ёки тўпиғигача узун, шим кийсалар почаси кенг, мумтоз русумга мансуб бўлади. **Иккинчи гуруҳ**дагилари тор шим, декольте, елкаси очиқ кофталар, белдан паст турадиган шим, шортсифат тиззага тушиб турадиган калта шим, қориндан юқоридаги майкалар, узун-тор енги очиқ, этаги кенг, калта юбкаларни кўпроқ кийишаяпти. **Учинчи гуруҳ**дагилар эса ўранган қизлардир. Бу гуруҳни ҳам иккига бўлиш мумкин. Одамларни эътиборини тортмайдиган, замонга мос равишда рўмолга ўранганлар ҳамда қоп-қора кийим кийиб, ҳатто юзларигача беркитиб оладиганлардир. Тўғри, ҳар бир инсон эътиқод эркинлигига эга. Аммо ғалати парадокс бор, бу ерда. Ана шу қора кийим кийганлар ислом дини амалларига, шу билан бирга миллийликка зид иш тутадилар. Ваҳоланки, ислом динида аёллар кийган кийимлари билан эътиборни тортмасликлари буюрилган, миллий урф-одатларимизга мувофиқ қора кийим мотам белгиси ҳисобланади. Шуларни била туриб, аёллар ўзлари қолиб, ҳали кийимнинг моҳиятини англаб етмаган қизларигача ўрантиради. Йигитларимиз эса оқ, қизил, алвон, яшил рангли шим, турли хил енги бор, енги йўқ майкалар, тиззасидан юқорида шортикларни кийишади. Кийим кимгадир ярашади, кимгадир эса йўқ. Эгнидаги кийим ярашса, ҳавас билан қарайсиз. Агар акси бўлса, ғашингизни келтиради.

### УМИД ОХИРИ СЎНАДИ...

Кийиниш меъёри бузилганини тан олиш керак. Аммо бу ҳали ҳаммаси тугади дегани эмас. Кўпчилик миллий либосларимиз ноёб намуна сифатида фақат маълум бир маросимларда, айтайлик байрамлар, тўйларда кийилади, дейишади. Бу фикр тўғри. Аслида ҳам миллий матоларимиздан бўлган атласу бекасамлар фақат тантанали маросимларда кийилган. Буви-боболаримиз кўпроқ яхши ҳаво ўтказадиган чит, бўз каби табиий матолардан кундалик турмушда кийиладиган либосларга аҳамият қаратишган. Шу маънода кийиниш маданиятида матонинг миллийлиги билан бир қулайлиги ҳам инобатга олинади.

Бугунги ёшларимизнинг ғарб модасига муккасидан кетаётгани уларни миллий кийиниш анъаналарини унутдилар дегани эмас. Ўзбегимизнинг миллий ифтихори бўлган атласга ҳамиша эътибор катта. У бизда ҳеч қачон урфдан тушмайди. Шу билан бирга яқин-яқингача унутилган адрас, банорас каби матолар яна урфга киряпти. Биргина ўтган йили ташкил этилган «STYLE.UZ» либослар кўргазмасида юртимизда етишиб чиқаётган ёш дизайнер-мутахассисларнинг миллий матолар асосида тайёрлаган либослар коллекцияси халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланди. Умуман, кейинги пайтларда шундай миллий матоларимизга, миллийлик безак анжомларига айнан ёшларимизнинг кўп мурожаат қилаётганликлари қувончли ҳол, албатта.

Замонавийлик аввало инсоннинг ички ва ташқи дунёсини замонга уйғунлаштириш демакдир. Энг зарури, дидни, фаҳм-фаросатни тўғри тарбиялай билиш кишини безайди, янада хушсурат кўрсатади.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

*Яқинда телевизор орқали намойиш этилган «Шабнам» деб номланган бадиий фильмдаги асосий қаҳрамон имиджи кўпчиликка манзур бўлди. Буни ёшларнинг фильм ҳақидаги таассуротларидан билиш қийин эмас. Демак, ёшларда миллий кийимга бўлган ҳурмат ва эҳтиёж бор. Муҳими, уни қандайдир кўринишда тақдим этишда.*

**Назира ҚУРБОН,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

# БОЗОРГА БОРСАМ БИР КУНИ...

***Ҳар ҳафтада бир марта бозор айланмасам, кўнглим жойига тушмайди. Тўғри, бозор-ўчар, кундалик рўзғорга ишлатиладиган егуликлар муаммосини «бозор қилиш — эркакнинг иши», деган қоидага амал қилувчи хўжайиннинг ўзи ечади. Аёл кишининг феълини биласиз, эркакнинг бозорлигини ўзича хомчўт қилиб чиқади ва кўнгли тинчимай сўраб ҳам қўяди: «Отаси, манави олмани неча пулга олдингиз, картошкани-чи? Қўйликда арзон дейишувди қўшнилар. Қассоб тушмагур ярим кило чиқадиган суякни охири сизга ўтказибди-да?» Эркакнинг эса одатий «сўроқ-савол» парвойига ҳам келмайди ва «шукр қилсанг-чи», деб қўяди ярим зардали оҳангда. Менинг одатим эса... бошқачароқ. Яъни кийим-кечакдан тортиб, деҳқон бозоридаги маҳсулотлар нархи-ю, сотувчи ва олувчи муносабатларигача кузатиб, ўзим кутмаган ҳолда бозордаги айрим қувончли ва кулгули ҳолатларга гувоҳ бўлиб қоламан. Яхшиси, улардан айримларини сизга тасвирлаб берайин.***



## ЮРТ ОБОДЛИГИ

— Йўқ,, керакмас, пулни қайтаринг, аввалларияам сиздан олардим, ҳеч билмаган эканман, кеча қишлоқдан кекса отам келувди, эрталаб келини мақтаниб "ўғлингиз ҳисори қўчқорни гўштидан обкелдим, бир қайнатма шўрва қилгин отамга девди", деса у киши ҳалиги гўштни қўлига олиб"эҳ аттанг-а, қара, устидан кўриниб турибди, бу семиз эчкиники-ку ахир", дебди...

* * *

— Картошка неча сўм?

— Тўрт юз деб турибман, келишамиз-да.

Харидор секин нари кетди. Ва иккинчи сотувчига юзланди:

— Сизники-чи?

— 350 сўм.

— Уч юз бўладими?

— Сал қўшинг, Тўйтепадан обкелувдим, уйга кечикмайин.

— Ўн кило тортинг, бўпти...

* * *

Турли-туман гўштлар осилган, ёйилган расталарни оралайман.Қассобу олибсотарнинг қўли-қўлига тегмайди. Қичқирган ким, бақирган ким,биров-бировни эшитмайди.Мақтову таърифлар ҳам ўзгача.

— Ҳисори қўйнинг гўшти, қуйруғини кўтаролмайсиз, семиз, ўз қўлим билан боққанман-а!

Нархларини бир-бир сўраб кетавераман. Бешолти хил — қўйники ҳам, молники ҳам деярли фарқсиз — тўрт ярим мингдан олти, етти минггача! Анчагина арзон. Бу албатта, бизнинг юртда тўқчилик ва фаровонлик белгисидандир балки. Секин эшик тарафга йўл оламан. Бирови ортимдан нолиб ҳам қўяди:"олмас экансизку, опажон, нима қилардингиз овора қилиб?"...

* * *

Бозор ёнгинасидаги темир-терсакларни кавшарлаб, пичоқ ва қайчиларни чархлаб ўтирадиган Салим бува билан сўрашаман. Жуда содда ва камтарин одам. Бизнинг рўзғоримиздаги бутун пичоғу болталаргача ўзлари эринмай чархлаб беради. Пул берсак"қўйинглар-е, одамни уялтирманглар ахир, қўшни ҳақи деган гап бор,керакмас", десалар ҳам болаларим қўярда-қўймай арзимас пулни ташлаб қочишади. Шу куниям дўкондан олган қайчини бериб кетувдим. Кирсам, тор хонада бир йигит турволиб, ҳадеб отага ниманидир уқтирарди:"Қанча десангиз майли, илтимос, шу тошларни қорнини ўйиб беринг!" Бува бўлса, "пул-мулинг керакмас менга, нима, энди ўзингни гуноҳингга мениям шерик қилмоқчимисан, бор, жўна!" деб жаврарди.

Ҳайрон бўлиб тургандим, ўзлари мени чақириб, қўлимга қайчини тутқазди-да,



"барзангидай йигитни қилиб юрган ишини кўряпсанми? Тарозига қўйиладиган тошларини менга олиб келибди, шуларни "қорни"ни пайвандлаб, ямашим керакмиш, нега бундай қиласан, десам, "харидорлар ҳақидан шу йўл орқали граммлаб уриб қоламиз, бобой, шундай қилмасак қаердан бойийман", дейди безбетлик билан. Шундай йўллар орқали сен билан менинг ризқимни ейдиган нокасларга минг лаънат!" деди отахон жиғибийрон бўлиб...

* * *

Қассобхона ёнидан ўтаётувдим. Бирданига қаттиқ-қаттиқ гапираётган одамнинг овози эшитилди:

— Инсофингиз борми ўзи сизнинг, оғайни, нега менга қўй гўшти деб эчкиникини бердингиз?

— Мен қаёкдан билай,мана, ичкарига кириб кўринг, эрталаб менга тўртта сўйилган қўйники, деб бўлакланганини хўжайин ташлаб кетувди. Ярмини сотиб бўлдим-ку, ҳали сизга ўхшаб ҳеч ким қайтиб олиб келгани йўқ.. Гўштни ажрата оларкансиз, нега шуни олдинроқ айтмадингиз?

**Авазжон БЕКМУРОТОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

## ПАРИСИ БОР УЙ



**Андижонда Ҳакан деган қишлоқ бор. Бу қадим гўшанинг бирорбир тўй-йиғини Момохон бувисиз ўтмайди. Табаррук тўқсон ёшни қаршилаётган бу инсонни бир зиёрат қилмоққа, дуосини олмоққа кўплар орзуманд. Боисини билгингиз келаяптими?**

# НОН ИСИГА КЎМИЛГАН ГЎША

Аввало, айтиб қўяйлик, бу хонадон остонасидан туну кун одам қадами узилмайди. Нега десангиз, ўтган ҳам, қайтган ҳам «нон пишдими?» — дея бир мўралаб қўяди. Бизни момонинг ўртанча келини Шарифахон ая илиқ қаршиларкан, «тўйпўй борми дейман, қанча нон ёптирмоқчисизлар?» — дея сўраб қолди. Мақсадимизни айтганимиздан сўнг эса шошилиб ичкари уйга кириб кетди-да, «узр энди, танимапман-а, қани марҳамат, бувимни ёнига кирайлик-чи», — деб йўл бошлади. Ва қизлари Ашурхон опа оналарига яқинроқ сурилиб, «бувижон, бу қизингиз сиз ҳақингизда газетага ёзмоқчи экан, нима дейсиз?» — деб сўради. Момохон ая кулимсираб:

— Менинг нимамни ёзади, бу қизим? Уйда ўтирган кампир бўлсам. Ундан кўра, ана, новвой невараларимни мақтасин. Ширин-ширин нонлар ёпишаяпти.

Ая ёшлигидан бошлаб нон ёпишга қизиққани боисми, тақдири Ўрмонжон новвой билан қўшилгани ва бир умр маҳалла-кўйга ризқ-насиба улашгани, қаҳатчилик, уруш йиллари, азоб-уқубатли кечган даврларда ҳам халқимиз бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатгани ҳақида кўзларига ёш олиб сўзлади. Қизлари Ашурхон опа бўлса онасининг бу ғамгин хотираларига изоҳ ҳам бериб қўйди:

— Биласизми, онам ўтган кунларни жуда кўп эслайди ва айрим пайтлари ҳаммамиз йиғилсак «болажонларим, бугунги кунларнинг қадрига етинглар. Биз кўрган кунлар, замонлар энди сизларга эртак бўлиб қолсин. Ким ўйловди шундай тўқчилик, тўкинчилик пайтлар келади, деб. Давлатбошиларига минг раҳмат, ҳеч қачон ношукрлик қилманглар, Ватанни қадрига етинглар!» — дея насиҳат қилишдан чарчамайдилар.

Даврамизга йиғилганлардан бу сулола давомчилари кимлар эканлигини сўраймиз. «Тўртинчи авлод, яъни укамнинг ўғиллари давом эттиришаяпти. Ҳовлига кираверишдаги новвойхонадаги йигитлар кенжа набиралари», — дея изоҳ беради айни пайтда маҳалла фуқаролари йиғини раиси бўлиб ишлаётган тўнғич фарзанд Ашурхон опа.

— Ҳозир ҳам уйда ўтиролмай, тандир ёнига бориб келаверади, набираларига йўл-йўриқ кўрсатади, — дейди келинлари.

Момохон бувининг бир ўғли Икромжон физика-математика фанлари доктори, профессор бўлса, иккинчиси Гавҳарбек эса ота касбини эгаллаган — новвой. 20 набира, 21 нафар чеваралари бор. Улар тўпланишса борми, хонадон тўйхонага айланиб кетади. Қишлоқнинг у бошидан — бу бошигача қариндош-уруғ, қуда-анда, қадрдон жигарлар.

Ҳаммаёқни ёқимли нон иси тутиб кетади. Ая бўлса секингина, «қани набираларимнинг хамирлари ҳам етилиб қолгандир, ўзим бир кўриб берайин», — дея ўрнидан қўзғалади. Биз ҳам у кишининг ортидан новвойхонага буриламиз. Қарасак, Момохон буви зувалаларни бирмабир қўлларига олиб кўра бошлади...

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Андижон вилояти.**

## КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

Қўшқанотли деразанинг эски дарчалари орасидан тонг мўралади. Қумри буви темир каравотдан аста тушиб, икки қўлини белига тиради. Жисмидаги бор суяклари қисирлаб кетгандек бўлди. Секин дераза олдига келиб, пардани четга сурди. Уфқ қизара бошлабди. Қизиқ, ундан кейин ҳам тонглар отаверади.

Бувининг қуруқшаган юзларидаги ажинлари бўйлаб томчилар ўрмалади. Бўғзига бир нима тиқилгандек, қайта-қайта ютинди. Кексалик шу экан-да, салга кўзига ёш югуради.

Қумри буви гулнинг бор бўйини кўриш истагида қаддини ростлашга уринди. Ахир қиш бўйи ҳар замон сув қуйгани букчайиб келиб, ёпиқ пардани қия очар, тўкилган баргларни хўрсиниб йиғиштирарди-ю, яна шу алфозда ўрнига бориб ётволарди.

Бел ва бўйин пайлари тортишиб оғриб кетди. Ўҳ-ҳў, роса ўсибдими? Яна бироз тикка бўлса бас, мана...

– Вой, Худойим!

# ҚЎНҒИРОҚГУЛ ШОДАСИ

Токчага бирин-кетин келиб қўнган бир жуфт мусича хаёлини бўлди. Хайрият, қиш ҳам чикди-я. Кўчадаги ариқ лабида ўзини офтобга солиб, ўтган-кетганни кузатиб ўтирса ҳам куни ўтаверади.

– Баҳорга ҳам етволдик, жониворлар, – деди буви қушларни нигоҳи билан суйиб.

Мусичалар ичкаридаги шарпани сезмадилар чоғи, қаёкдан сезишсин, ойна кирлаб, хира тортиб ётибди. Қумри буви авваллари баҳор келиши билан энг аввало ойна артишга киришарди. Энди... на ҳафсаласи бор ва на мадори. Токчасини тўлдириб турган гуллари ҳам қишда бир-бир қуриб, биттагина шу ўзи яхши кўрган «фил қулоғи» омон қолди. Унинг ҳам фақат пояси турибди. Аммо ҳеч қурий демаяпти.

– Сен ҳам менга ўхшаб ҳеч таслим бўлгинг йўғ-а, гулим, – дея тувакдаги қаққайиб турган пояни силади буви. – Бирорта япроғинг қолмабди. Бўйинг дароз бўлгани билан, япроқсиз яшаш қийин. Яна бирам ўсибсанки....

Унинг кўзлари қувончдан чарақлаб кетди. Дераза баробар баланд поянинг энг учида биттагина япроққа ястаниб, пушти қўнғироқгуллар шодаси очилиб турарди. Бамисли бир мўъжаз гулдаста! Бирам катта, бирам чиройли!

– Буни қара-я! Ё тавба!

Буви такрор-такрор ҳайратланиб, қаддини аранг тутганча гулга термулиб турди. Сўнг парданинг бир четидан сиқимлаб тутиб, бор кучи билан четга сурди. Хона ичи қуёшнинг илк нурларидан яраклаб кетди.

Поя учига осилиб турган пушти тўпгул энди бор чиройини намоён этар, юзида табассум балққан буви эса уйнинг қоқ ўртасида унга маҳлиё бўлиб турарди.

...Сал ўтмай эса қўшқанотли деразанинг ойналарини оппоқ дока билан бир иложини қилиб артди. Бувининг назарида, бутун олам шу ойнадан ичкари бўйлаб, қишдан омон чиққанларни олқишлар эди.

**Гулчеҳра АСРОНОВА,**
**Фарғона вилояти.**

# БОҒЧА МУДИРИ ЭРКАК БЎЛСА

## тарбия сифати ўзгарадими?

**Ушбу мақолани ёзишга ўзим гувоҳи бўлган икки хил ҳолат туртки бўлди. Биринчиси – онасининг этагини тортқилаб, «боғчага бормайман, дедимми, бормайман», деб қичқириб йиғлаётган болакайни кўрганимда, иккинчиси – бошқа бир кичкинтой онасини тезроқ юришга, боғчага кечикса, киритмай қўйишлари мумкинлигини бот-бот айтиб шоширар эди...**



Болалар руҳияти жуда мураккаб. Уларни ўрганиш мушкул, сирли дунёсини кашф этиш инсондан катта маҳорат ва истеъдод талаб этади. Болаларнинг боғчага бормайман, деб хархаша қилишларига тарбиячиларнинг болалар руҳиятига, улар оламига йўл топа олмаётганлигидир.

Самарқанд шаҳридаги намунали боғчалардан бири, деб эътироф этилган 72-сон мактабгача таълим муассасасига бориб, бу фикрларимга тасдиқ топдим.

Соат тўққизлар атрофида муассаса биносига яқинлашган сари бола етаклаган ота-оналарга кўзингиз тушади. Боғча олдида эса тарбиячилар ва мудир болаларни очиқ чеҳра, хушмуомалалик билан кутиб олмоқда. Очиғи, «бу киши мудиримиз» дейишгани учун аввалига ҳайрон ҳам бўлдим. Негаки, аксарият боғчаларда аёллар мудиралик қилишгани учун сал истиҳола билан унга мақсадимни айтдим.

У киши у ёқ, бу ёққа термулиб, «ҳамма келдими?», дея тарбиячилардан сўрагач, менга қараб:

– Майли, фақат бироз кутиб туринг сinглим, – деб жавоб берди.

Ажабланганим: у ҳар битта болани исмигача айтиб, уларни очиқ чеҳра ва хушмуомалалик билан тарбиячилар томон юзлаштирарди. Соат тўққиздан беш дақиқа ўтгач, эшик ёпилди. Боғчада тартиб-интизом асосий мезонлардан бири бўлиб, ҳамма роппа-роса тўққизгача келиши шарт ва ундан кейин келганлар боғчага қўйилмас экан.

– Ана энди бемалол гаплашсак бўлади, – деди **боғча мудири Алишер КАРИМОВ.** – Биласизми, болалар билан ишлаш учун ўзинг доим ўша дунёда яшашинг, улар билан яхши муносабатда бўлишинг керак. Улар доим ранго-рангликка, ўзгача бир муҳитга ўч. Ўзлари севадиган ўйинлари, ранглари, машғулотлари бор. Боғчамиздаги тарбиячиларнинг аксарияти малакали, 30-35 йиллардан буён шу соҳада фаолият юритаётган фидойи инсонлар. Ёш кадрларни ҳам ишга олиб кўрдик. Аммо кўпчилиги биринчи кунданоқ ишдан кетиб қолишди. Бола билан унинг тилида гаплашишнинг ўзи бўладими? Уларга ширин гапирмасангиз, тушунмасангиз, қийин-да. Ёшларимиз олий таълим муассасаларида назарий билим олишади-ю, лекин болалар ҳузурига келганида ўзларини йўқотиб қўйишади. Ҳар битта боланинг кўзига қараб нима истаётганлигини билиб олиш ҳам маҳорат.

– Боғчамиздаги 12 гуруҳда 528 та бола тарбияланади, – дейди тарбиячи Азиза Ҳожимуҳаммедова. – Тасаввур қилинг, агар гуруҳимда қирқ нафар бола бўлса, мен шу қирқта оламни сайр этишим, ҳар бирининг нозик томонларини ўрганишим ва асосийси, ўз боламдай меҳримни беришим зарур. Улар сохталикни, қўполликни кўтаришолмайди. Яхши гапингиз билангина кўнглига йўл топишингиз мумкин. Уларнинг сирли оламига кириб бориш ҳам мароқли. Ўзингни доим болалик оламида юргандек ҳис қиласан.

**✓ ТАЖРИБА**

Боғчада инглиз, рус тили, мусиқа дарсларининг ўтилишга алоҳида эътибор берилади. Ҳафтанинг ҳар ойида икки-уч мартадан инглиз тили ойлиги ўтказиб турилади. Болалар вақтини мароқли ўтказиш мақсадида ҳар битта хонага DVD берилган. Наталья Галикова, Любовь Сботина, Ойиша Бакирова, Наргиза Муталиева, Ирина Ширяева каби тажрибали мутахассислар болаларга таълим беришда жонбозлик кўрсатишаяпти.

– Инглиз тилини ўргатиш бирмунча қийинроқ, – дейди боғчанинг инглиз тили ўқитувчиси Лазиза Борисовна. – Чунки улар эндигина ўз она тилларини ўрганаяптилар-да. Аммо кўпларининг ўзлаштириш қобилиятлари яхши. Чунки бола 5 ёшда мукаммал ўзлаштира олади. Мутахассисларнинг фикрича, бола етмиш фоиз ахборотни айнан боғча даврида оларкан.

Боғчада "Кичкинтойлар" рақс тўгараги ҳам фаолият юритади. Юртимиздаги барча байрамлар – Мустақиллик, Наврўз, «Шарқ тароналари» дейсизми, барчасида ушбу боғча болаларининг иштироки алоҳида таҳсинга лойиқ. Болажонлар ҳам ўзгача завқу шавқ билан рақсга тушадилар, қўшиқлар ижро этишади.

– Кичкинтойларга рақс ўргатиш менга ўзгача бир қувонч бахш этади, – дейди мусиқа тарбиячиси Валерий Аҳмедов. – Уларни икки ёшдан бошлаб, секин-аста рақс тушишга, биринчи ритмик амалларни, яъни бир текисда чайқалиш, чапак чалиш, қўлларни юқорига кўтариб, майин чайқалтиришни ўргатиб бораман. Кейин қийинроқ машқларга ўтаман. «Андижон полькаси», «Баҳор вальси», испанча ва японча мусиқаларга болалар ўзгача бир иштиёқ ва ҳавас билан рақсга тушишади. Тадбирларга тайёргарлик жараёни ҳам қизиқарли кечади. Кийимларни тарбиячиларимизнинг ўзлари тикишган. Ҳар бир байрамга алоҳида-алоҳида либосларни тикиб, болаларга кийгизамиз. Уларнинг қувончини кўрсангиз эди...

Ҳа, болалар боғчасидан бир дунё таассуротлар билан қайтаётиб, неварасини олиб кетгани келаётган онахон билан суҳбатлашиб қолдик.

– Неварам инглиз тилини ўрганаяпти. Ҳар куни битта янгилик билан кириб келади, – дейди Мавжуда Бўриева. — Унинг завқланиб, ўрганган нарсаларини айтаётганини кўриб, эшитиб, қувонаман. Ўзим ҳам шаҳардаги 37-боғчада мудира бўлиб ишлаганман. Бу касбнинг қийинчиликларини яхши биламан. Овқатлари ҳам болаларимизга ёқади. Эрталаб ўз хоҳишлари билан «боғчага бораман, уйда қолмайман», деб хархаша қилади, боласи тушмагурлар. Билмадим, бу жойнинг ажойиб оҳанрабоси борми-ей?

Бундай шароитга эга боғчалар кўпинча шаҳарларда жойлашган, аммо қишлоқлардаги боғчалар бундан кескин фарқ қилади. Улардаги тарбия жараёнлари суст. Болалар вақт ўтказиш учун бир хил тартибда, яъни эрталаб келади, тушлик қилади ва дам олиб, яна уйига кетади. Янги таълим бериш усулларидан фойдаланилмайди. Буни Булунғурнинг олис қишлоқларидан бирида истиқомат қилувчи Саодат опанинг куйиниб гапирганликларидан ҳам билса бўлади.

– Ҳеч эътибор берганмисиз, шаҳар болалари қишлоқ болаларига нисбатан билимли, савияли бўлишади, – дейди онахон. – Чунки улар одоб-ахлоқни оиладан ўрганса, маданиятни, таълимни боғчадан, мактабдан ўрганади. Тарбиячилар ҳам ўз ишларига масъулият билан ёндашади. Бизнинг қишлоғимизда битта боғча фаолият юритади. Унда ҳам бор-йўғи 14 та бола тарбияланади. Неварамдан бугун нималарни ўргандинг?—деб сўрасам, фақатгина болалар билан ўйнаганини-ю, қандай таом еганини айтишдан нарига ўтмайди. Шаҳардаги неварам эса, аксинча, турли хил қизиқарли ўйинларни ўйнаганини, инглизча сўзларни ўрганганини айтади. Ўйлаб қарасам, нега энди чекка туманларда болалар тарбиясига бўлган эътибор кўнгилдагидек эмас? Балки бу масалада шаҳарлардаги боғчаларнинг фидойи тарбиячиларини чекка туманларга ўз тажрибаларини ўргатиш учун юборилса, қандай бўларкин?..

Бугун боғчалар аввалгилардан анча фарқ қилади. Янгиликлар, ривожланишлар катта. Юқорида онахоннинг куйиниб гапиришларида ҳам жон бор. Хатоларни тўғрилаш эса ўзимизга боғлиқ. «Ҳа, энди боғча шу-да, болам боғчага бораяпти»,- деб эътиборсизлик қилсак, оқибати қандай бўлиши ҳаммамизга аён. Бу борада ўзи тарбия топган боғчага мураббий бўлиб борган Мунисхон Абдуллаеванинг фикрлари ҳам ибратли:

– Биласизми, бугунги кун болалари анча эркин, талабчан, қизиқувчан ва билимга интилувчан. Мен кўпинча ўзим ўқиган даврлар билан ҳозиргисини солиштираман. Чунки бу ердаги ҳар бир бурчак, нарса менга болалигимни эслатади. Ўша пайтларда рус тили, инглиз тили, турли тўгараклар қаерда эди, дейсиз. Ҳозир имконият катта. Болалар анча сезгир. Кимнинг қандай муносабатдалигига қараб, улар ҳам худди шундай жавоб қайтаришади. Ширин сўз – жон озиғи, деганларидек, яхши гап билан уларни ўзингизга маҳлиё қилишингиз мумкин. Кузатишларим орқали яна шуни билдимки, боғчага бораётган болаларда қизиқишнинг ортишига қисман бўлса-да, ота-оналар ҳам сабабчи. Агар улар ўз болаларидан доимий равишда ўрганганларини билмагандек кўрсатиб, сўраб-суриштириб турсалар, муносабат ўзгаради. Айтмоқчиманки, болаларни тарбиялаётган шахс авваламбор, руҳшунос бўлиши керак. Чунки уларнинг нозик оламини ўрганиш учун тарбиячи бўлишнинг ўзи камлик қилади.

Ёш авлодни эндигина ўсаётган ниҳолга қиёс қилишади. Эътибор берсангиз, ниҳолга ҳам асосий диққатни то илдиз отгунча беришади. Сўнг эса, унинг ўзи ривожланиб, одамларга фойдаси тегади. Болалар ҳам худди шундай. Уларни ҳам болалигидан тўғри тарбиялаш келажакда ўз мевасини беради.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА,**
**Самарқанд вилояти.**

# БОЛАЛАР КЎЗИГА ҚАНДАЙ ҚАРАЙСИЗ?

**✓ АКС-САДО**

### 6-сон, «Ёр-ёр»лар айтилди, ота-онасиз»

Ушбу мақолада кўтарилган мавзу ниҳоятда жиддий ва ҳаётийдир. Негаки, муаллиф тасвирлаган аламли воқеаларга мен ҳам гувоҳман. Жонли бир мисол: Ота-онаси хорижда ишлаётган ака-ука Руслан ва Ғофуржонлар улардан келаётган мўмай пулларни оилаларига эмас, оғуга сарфлашга муккасидан берилди. Дастлаб, атрофига ёр-дўстлар тўплашиб, базми-жамшид уюштиришди. Ҳатто Руслан бир суюқоёқ аёлга илакишиб (у ҳомиладор экан), тўйсиз уйланиб, бировнинг фарзандига ота ҳам бўлди. Ниҳоят, пул топаман, дея соғлигидан айрилиб, уйига қайтган шўрлик она ҳам, ота ҳам фарзандларининг не кўйларга тушганини кўриб... ўзларини йўқотишди.

Мана, сизга пул изидан қувиб, фарзандларини қаровсиз қолдириб, бахтни бой берган, инқирозга юз тутган оила. Ота-она обрўси, орзу-ҳаваси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, дўст-душманнинг синчков нигоҳлари-ю, таъналарини айтмай қўя қолай.

**Турдибой КУЗДИБОЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани.**

# КЎЗОЙНАК

**✓ ҲОЛАТ**

Ҳар кунги одат шу — аёлим мени ишга кузатаётиб «калитингизни олдингизми, кўзойнагингиз эсдан чиқмадими, ҳеч нарсангиз қолиб кетмадими?» дея мен билан хайрлашади.

Машинани ўт олдириб, қуёш нурига қарши кўзойнагимни тақаман. Ўрганиб қолганман-да, қора кўзойнак тақмасам машинани бошқара олмайдигандек туюлади.

Ишга кетаяпман, ҳаммаёқ ям-яшил, дарахтлар барги шамолнинг нозик эсишидан ҳилпирамоқда, гуллар очилган. Кўчамиз озода, сувлар сепилган, менинг кайфиятим аъло, хуллас... кўнгилда баҳор.

Қўшни келин менга тикилиб қараб салом берди, мен ҳам табассум ила алик олиб ўтиб кетдим. Бироз нарироқда яна бир келин кўча тозалаётган экан, менга кўзи тушди-ю супургисини кўтарганча қотиб қолди... ва қўли билан оғзини ёпгандек бўлди-да, салом берди. Ўтиб кетаётиб алик олдим ва негадир ортимдан оғзи очиқлигича қараб қолганига ажабландим.

Кайфиятим чоғ, қандай одобли, очиқ кўнгилли қўшнилар орасида яшаяпман, деган хаёл билан кўча бурилишига яқинлашдим. Атроф негадир ҳар хил бўлиб кўринаяпти... Бир тарафда қуёш ўз ҳукмини ўтказиб, ҳаммаёқни ёритиб юборган, бошқа тарафда эса ҳали тонг отмагандек ғира-шира. Алангладим, пешонамни, сўнгра кўзойнакни ушлаб кўрдим... овозим борича кулишдан ўзимни базўр тутиб қолдим. Ана энди тушундим, келинлар нега тўхтаб табассум қилганига!

Э, нимасини айтасиз, кўзойнагимнинг бир томонидаги қора шишаси тушиб қолган экан! Мен эса ҳаёт гўзаллигидан мамнун бўлиб бу ҳолатни сезмабман. Донишмандлар ҳам бежиз айтишмаган экан-да: «Кулгили ҳолатлар бу... ҳаётнинг табассуми», деб.

**Шухрат УБАЙДУЛЛОҲ**

ТУРМУШ СЎҚМОҚЛАРИ

# БАХТ ЯРИМ, КЎНГИЛ ЯРИМ



Юсуф сўзини одатдагидек пичинг билан бошлади.

— Болалар қалай? Ишга тушмадингми?

— Энди...

— Болалар соғ-омон юришибди. Ўзингиз саломатмисиз, дадаси? Ишингиз тугай деб қолдими?

— Э-э, нимасини айтасан? Иш кундан-кунга кўпайиб кетяпти. Машинамнинг шалоғи чиқиб, эҳтиёт қисмларини янгилашга тўғри келди. Шу ...

Муниса оғир хўрсинди. Эрига “қачон келасиз?”, дейиш бефойда. Юсуфнинг бу саволни эшитишга тоқати йўқ. Бир ойга ишлашга кетган эрининг икки йилдирки, қораси кўринмайди. У кетганида кенжаси чақалоқ эди. Ўтган қишда бирровга икки қўлини бурнига тиқиб келиб кетган. Ўшанда ҳам ишлари юришмаётганини рўкач қилиб, ортига яна жўнаб қолганди.

— Уйга қайтиб кела қолинг, бизам қийналиб кетдик. Худонинг буюргани бўлар, ахир,—деганида эри сўкиб берди.

— Қайтиб бориб, қаерда ишлайман? Ўртоқларим ўғилларига тўй беряпти. Мен-чи? Шуниям қилолмайман. Ҳаммасига сен айбдорсан. ..

Аёл индамади. Айниқса, эрининг сўнгги сўзи унинг дилига наштар санчган эди. Шу тобда арпа экиб, буғдой тиламанг, демоқчи бўлди-ю, қайсар эрининг жаҳлидан қўрқди.

Нима қилсин, қўлида бўлса Муниса уч қиздан бирини ўғил қилиб туғмасмиди? Эр-хотин ўртасидаги совуқчилик оилада учинчи қиз туғилганидан кейин ошкора сезилди.

* * *

— Беш кун “давлениям” тушмади-ей, пешонам бунча шўр бўлмаса?.. — Юсуф ўқимишли бўлатуриб эндигина туғруқхонадан чиқиб келган хотинига маломатлар ёғдирди. Миттигина чақалоққа кўз қирини ҳам ташлаб қўймади.

У бўлса не-не азобларда дунёга келган норасидага тикилганича кўзларидан сизиб чиққан ёш томчиларини этагига артаркан, эридан оғриниб кетди. Кимлардир қизга ҳам зор, у бўлса гулғунчаларининг шукрини ҳам қилмади-я!

Иккинчи қизи туғилганида, “оғайним Эрматда қиз ҳам йўқ, қўявер, мен сенинг юзингга солмайман, хотин. Сенинг қўлингда бўлса туғардинг-ку ўғилни...”, дея Мунисага таскин берган эрининг аҳволини кўриб, аёлнинг баттар дили хуфтон бўлди.

Юсуф кейинги пайтларда оиласидан ўзини тортгани-тортган. Бўлар-бўлмас баҳоналар топиб, хотинининг дилига озор етказишдан нарига ўтмайди. Ойдайилда бир келиб кетгани билан на моддий, на маънавий ёрдами тегмади унинг.

Муниса гўшакни қўйиш олдидан Юсуфни гап билан «чақиб» олгиси келди-ю, барибир фойда топмаслигига кўзи етиб, индамай қўя қолди. Уни эрининг лафзи йўқ бебурдга айланиб қолганлиги азоблар эди. Ахир совчилари сочидан мўл Мунисага етишгунича Юсуфнинг эти устихонига ёпишмаганмиди?

У билан бирга пул топишга кетган жўраси Юсуфнинг бир бева аёлга илакишиб қолганини хотинига «шипшитиб» кетган экан. Аёлларнинг ичида гап ётармиди? Бу «янгилик»ни яшин тезлигида унга етказган қўшни хотин эшитган жавобидан донг қотди.

— Майли, опа, Худонинг ўзи инсоф берсин. Қаерда бўлмасин, ким билан яшамасин, боши тошдан бўлиб, қизларигаям қайишиб юрса бўлди....

— Вой, сингилжон, ўзим эшитдим, биттаси билан бирга яшаётганмиш...

— Майли, ўша аёл унга ўғил туғиб берсин. Эрим оиласида ёлғиз ўғил бўлиб, унинг устига ўғил кўрмаётганига армонда эди, нимаям қила оламан?

Унинг юраги тўкилиб, бўғзига алам тиқилди. Қўшни аёл бошқа гапни кутган эканми, “сиз бу ёқда уч бола билан қийналиб ўтирсангизу... Э-э, садқаи эр кетсин...” дея қўл силтаганча чиқиб кетди.

Аёлнинг юришгаям мажоли қолмай, даҳлиздаги курсига чўкди. Кейин.. кейин кўзларидан оққан шашқатор ёшлар этагини хўл қилди. Муниса биринчи боласини туққанида бўлиб ўтган нохушлик ёдига тушиб, юраги ўртанди. Эри уни хиёнаткорликда айблаб, дилини сиёҳ қилганида ҳам чидаган эди. Ўшанда жияни Сухроб меҳмонга келган ва кўчада ўйнаб бир қанча тамаки қолдиқларини уйга йиғиб кирган ва ҳатто, ҳожатхонадаги пақирчага ташлаганди. Юсуф бўлса пақирчадаги қолдиқларни кўриб, жазаваси тутиб кетган ва «мен йўғимда ким келди, ким билан дон олишдинг?», — дея Мунисага кун бермаганди. Эрининг ўзига нисбатан ишончсизлиги аёлнинг юрагини яралаб қўйганди, ўшанда. Боласини ўйлаб тишини тишига қўйди. Ўшандан буён эрининг ғазабига дучор бўлмаслик учун қўшни эркаклар билан ҳам дурустгина сўрашмайди...

— Хой, уйда ким бор? — телефондан яна эрининг овози эшитилди.

— Алло, Мунис, сенмисан?!

— Ассалому алайкум...

— Ҳа, намунча?!

Мунисанинг бўшашган овозини эрининг ўктам ва таҳдидли товуши босиб кетди. Аёл юрагининг тубида нимадир “чирт” узилди. Тавба, аввалари у бу қадрдон овозни эшитса, ўзини қўйишга жой тополмасди. Энди-чи? Қалбини мубҳам қайғулар чулғайди.

Ана шу саволларга жавоб тополмаётган аёл ўзи билан эри ўртасида англаб бўлмас жарлик пайдо бўлаётганини билмасди. Суянган кишиси унинг сабр косасини тўлдириб борарди.

— Ҳм-м, ҳа, шаштинг паст? Уйқудан энди турдингми, дейман? –

Муниса қўшнилардан олган қарзлари кўпайиб кетганидан эзилиб, устига-устак кечаги гап-сўзлар гирдобида эзилиб ўтирганди. Зўрға:

— Уйда... болалар билан ўтирибмиз... — дея олди, холос.

— Гўшакни олишинг қийин бўлиб кетди. Ҳа, тағин битта-яримтаси билан...

Аёлнинг юраги бир қалқиб тушди. Тутаб турган ғамлари аланга олди. Эрига сира кескин гапирмаган эди. Шу тобда ўзини тутиб туролмади:

— Э, садқаи одам кетинг, сизни биз эмас, ана шундай шайтоний ўйлар қизиқтираяптими? Эшитинг бўлмаса, уйда бир ғамбода аёл уч нафар норасидасини бағрига босганча сизга инсоф тилаб ўтирибди. Улар Худонинг паноҳига ташлаб қўйилган. Шайтоннинг шарридан, золимнинг зулмидан Худо асрасин уларни. Яна нимани билгингиз келяпти? Сўранг, сўрайверинг?!

Мунисанинг лаблари титраб кетди. Ишлаш баҳонасида дарбадар юрган эрининг кўра била туриб рўзғор юкини хотинига ташлаб қўйгани етмагандек, тағин беҳуда шубҳа-гумонлари ортиқчалик қилди унга. Бу ахир биринчи марта юз бераётгани йўқ. Умри бино бўлиб биринчи марта эрига шартакилик қилиб қўйган аёл ҳамон титроғини босолмас, телефон устига бошини қўйганича унсиз йиғлар эди. Ичкарида эса бири-биридан ширин уч нафар фаришта — уч ичиккан мурғак вужуд сокин уйқуда ётарди...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

# ҲУНАР ҲАММАГА КЕРАК, ЛЕКИН...

Уйимга қўшнимизнинг қизи тез-тез чиқиб туради. Исми ҳам жисмига монанд — Севинч. Ўзига тўқ хонадоннинг кенжаси. Бирор юмуш билан банд бўлсам, бирдан менга кўмаклашади ёки болаларимни ўйнатиб ўтиради. Шумтакаларим ухлаб қолишгач, бирга дарс тайёрлаймиз, тушунмаганларини эринмай ўргатаман. Ўзининг айтишича, кейинги пайтларда аълочилар сафига чиқиб олибди. Онаси ҳам бундан жуда хурсанд. Қизнинг дарсдан сўнг вақтини бекор ўтказмаётганидан, бехавотир жойда эканлигидан кўнгли тўқ экан. Чунки, ота-онаси ишда, ака-укалари оилали бўлиб чиқиб кетишган, уйда Севинчнинг ўзи ёлғиз қоларди.

У ҳам бизга худди оиламиз аъзосидек эди. Ҳали ёш эмасми, нима қилсам шуни қайтаришга, ўрганишга уринарди. Аввалига у бирор бир ҳунарни билмас, ҳатто игнани ҳам эплаб ушлаш қўлидан келмасди. (Қиз бола бўлганлиги учун бунга эътибор қаратдим(!)). Яна ўйлайман: ахир ўзларига тўқ, тайёрини сотиб олаверишади-да, уларга бу муаммо эмас. Бироқ, бу навниҳол қиз бола, эртага палаҳмон тоши бўлиб қаёққа «отилади», ўзларига мос оилага бўлса, майлику-я, лекин камхаржроқ хонадонга тушса-чи? Ўз синглимдек бўлиб қолгани учун, мен ҳам ёшлигимдан онамдан ўрганган ҳунарлар - тикувчилик, зардўзлик, тўқувчилик, дўппи, кашта тикишларни Севинчга ўргата бошладим.



Уч ой ичида Севинч буларни пухта эгаллаб, ҳатто мендан ҳам ортиқ эплайдиган бўлди. Унга айниқса тўқувчилик ва зардўзлик кўпроқ ёқиб қолди. «Келинликда кийиладиган зардўзи либосларимни ўзим тикаман энди», - деди у уялибгина. Унга қараб мен ҳам суюндим. Илгари нина ушламаган оппоқ-момиқ қўлларига нина санчилавериб, ўрни ҳунуклашиб қолганига парво ҳам қилмас, битирган ишларини ҳали чироқ ёруғига, ҳали қуёш нурига олиб чиқиб, столга қўйиб узоқроқдан томоша қилиб, ичига сиғмай суюнарди. Илк пайпоқчасини тўқиган куни охирига етказай деб тунги соат учгача ухламабди.

— Ойижоним ва дадажонимга ўз қўлларим билан хоҳлаган нарсамни тўқиб, байрамлар ва туғилган кунларида совға қилишим мумкин экан-да?

— Албатта, истасанг ундан ортириб кўпроқ тўқисанг, уларни сотиб, ҳалол пул тўплашинг ҳам мумкин. Фақат дарсларни четга суриб қўйма. Билим олиш биринчи ўринда, — қўшиб қўйдим мен. Ўшандан сўнг Севинч бир ҳафта кўринмай қолди. Қишки таътил бошланганди. Хавотирланиб уйига қўнғироқ қилсам, Севинчнинг онаси гўшакни кўтариб: «Раҳмат, синглим, барака топинг», - дея дуо қила кетди.

— Тинчликми, Севинч қалай?

— Яхши, хонасидан чиқмай бир нималар тўқиб ётибди. Ҳатто дугоналари билан гаплашишга ҳам чиқмаяпти. Сўрасам, «мени безовта қилманг, кейин бир йўла кўрсатаман», дейди. Ишларини ҳам тез-тез битиряпти.

Ўн кун ўтиб, Севинч кўзлари чақнаб уйимизга кириб келди. Сабри чидамай, эшикдан кирасолиб сумкасини очди.

— Опа, мана, ўзим тўқидим,— деди бир-биридан чиройли беш жуфт ёш болалар пайпоқчасини кўрсатиб. Хилма-хил рангларни келиштириб тўқиганини кўриб, ҳайрон қолдим. Ҳатто қиз болаларга деб тайёрлаган шекилли, иккитасининг ён томонига қизил ипдан гул ҳам босиб қўйибди.

— Ойим билан дадамга бир жуфтдан тўқиб бердим. Бирам суюндилар. Кейин... Опа, буларни сотсак, бўладими?

— Албатта, шундай чиройли, оёқни иссиқ тутадиган буюмларни ким ҳам хоҳламайди? Булар оддий пайпоқларга нисбатан чидамли ва фойдали, — кўнглини кўтариб қўйдим. — Уларни ўзим сотиб бераман сенга.

Шу куниёқ Чилонзор буюм бозорида сотувчилик қиладиган қўшни аёлга бериб юбордим. У киши шу куниёқ пулини олиб келди.

Севинчнинг қўлига 10 минг сўм пулни тутқазсам, аввалига ишонмади. Сўнгра пулни қўлига қаттиқ қисиб оларкан: «Мен энди бундан ҳам кўп тўқийман. Шу бугундан бошлабоқ», - дея шошиб ортига бурилди.

— Севинч, - дедим уни тўхтатиб, — бир режам бор, дегандинг. Сир бўлмаса...

— Мен бу пулларни йиғиб, ёзги таътил бошланиши билан бирор ўқув марказига кирмоқчиман. Янада яхшироқ ўргансам, кўпроқ пул топишим мумкин экан. Улғайсам, модельер бўлишга қарор қилдим...

...Шу-шу Севинч меҳнатга қизиқиб кетди. Уни соғиниб, яқинда қўнғироқ қилгандим, ўн тўрт эмас, ўн саккиз ёшли қиз билан гаплашгандек бўлдим.

— Севинч, пулларингни ишлатиб қўймадингми, ишқилиб?— дедим ҳазиллашиб.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз опажон, уларни йиғиб қўяпман. Аввалари дадам берган қанча пулларни беҳудага сарфлаган эканман. Ўз пешона теринг билан топилган пулни етти ўйлаб, керакли жойга сарфлар экансиз. Ахир унга қанча вақтим, кўз нурим кетди-да. Энди ота-онамнинг пулларини ҳам қадрлайман. Биласизми, илгарилари вақт ўтиши бирам қийин эди, ҳозир иш билан банд бўлиб, кеч бўлганини ҳам сезмай қолаяпман. Энди мен ўзимга ишонаман!..

Ўша кеча мен ҳам кимгадир нафим тегканидан хурсанд бўлдим, қалбим чексиз ғурурга тўлди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, журналист.**

ЁНИМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# КОРЕЙС БЎЛИБ ТУҒИЛГАН ЎЗБЕК АЁЛИ

Қизим бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолдик. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмай, ўзим билан ўзим овора бўлиб, палатадагиларга эътибор ҳам бермабман. Болам иситмаси баландлигидан алаҳсираб "сув" деб уйғонди. Шунда ёнимиздаги каравотда бир корейс аёли боласини олиб ётганини кўриб: "У вас есть кипяток?"—деб сўрадим. Аёл менга: "Ҳозир, термосда бор эди, қуйиб бераман", деб менга соф ўзбек тилида жавоб берди. Ҳайрон бўлиб, индамай қўя қолдим. Эрталаб қизимнинг иситмаси бироз очилди. Биринчи қилган ишим ёнимдаги шеригимдан: "Айбга буюрмайсиз, миллатингиз нима?"—деб сўраш бўлди. Баланд бўйли, ўттиз ёшлар чамасидаги, истаралигина бу аёл жилмайиб, "корейсман", деди. "Ҳа, отангиз ё онангиз ўзбек бўлса керакда?—десам, "Йўқ, иккаласи ҳам корейс,—фақат мен ўзбекка турмушга чиққанман", дея жавоб берди у.

Шифокорларнинг муолажаларидан кейин болаларимиз ухлаб қолишди. Биз эса суҳбатлаша кетдик.

— Турмуш ўртоғим билан бир мактабда ўқиганмиз. Учраша бошлаганимизни акам сезиб қолиб, онамга чақди. Ўша кундан бошлаб мени кўчага чиқармай қўйишди. Бир куни одатдагидек Шерзод акам уйимиз атрофида айланиб юрганида, акам кўриб қолиб, очиқчасига гаплашибди ва тўппа-тўғри уйга бошлаб келибди. Онам: "Сен ўзбексан, уйингдагилар корейс қизига уйлантиришмаса керак. Нима қиласан ўзингни ҳам, буни ҳам қийнаб, барибир ташлаб кетасан-ку!?"—дебди синовчан тикилиб. У киши: "Йўқ, агар қизингиз фақат мени деса, уйланмоқчиман, ниятим жиддий", деб жавоб берибди. Шундан сўнг иккала томоннинг розилиги билан фотиҳа тўйимиз бўлиб ўтди. Бу орада у ҳарбий хизматга бориб келди, кейин эса тўйимиз бўлди.

Аёлнинг гапларини тинглаб, уни яна саволга тутдим.

**— Тўй ўзбекча бўлганмиди ёки корейсча? Умуман, расм-русумларда келишмовчиликлар бўлмаганми?**

— Ўзи, корейсларнинг ҳам баъзи удумлари ўзбекларникига ўхшаб кетади. Лекин бизнинг тўйимиз ўзбекча бўлган. Энг қизиғи, маҳалла имоми никоҳимизни ўқишга рози бўлмагани учун тўйимиз бир ойга кечиккан.

**— Нега рози бўлмаган?**

—Фақат бошқа динга мансуб бўлганим учун домла никоҳ ўқишга иккиланган...

**— Кейин нима бўлди?**

— Ислом динини қабул қилдим.

**— Оила аъзоларингиз бунга қаршилик қилишмадими?**

— Йўқ. Онам "Мусулмонга турмушга чиқаяпсан-ку, қабул қиласан-да, энди", деди. Мен аввало «иймон» калимасини, кейин "Фотиҳа" сурасини ёд олганман. Қуръоннинг ўзбек тилидаги таржимаси билан танишиб чиққанман. Кейин эл қатори тўйимиз бўлган.

Шу пайт йўлакдан ҳамширанинг: "Абдураҳмонова, уколга келинг", деган чақириғи эшитилди. Билсам, "Абдураҳмонова" шу суҳбатдошим экан. У ўғилчасини кўтариб, чиқиб кетди. Суҳбатимиз бўлинди. У кетгач, ногаҳон қўл телефони жиринглаб қолди. Икки-уч марта кетма-кет жиринглагандан сўнг, шошилинч хабар бўлса-я, деб қўнғироққа жавоб бердим.

— Алло, Жаннатхон, тузукмисизлар? Сарваржон яхшими?" — деди телефондан бир аёл.

— Кечирасиз, телефон эгаси муолажага чиқиб кетганди, ким сўради деб қўяй?" — дедим. "Уйдан сўрашди, дерсиз", деди овоз эгаси. Уколдан қайтиб келган шеригимга:

— Узр, исмингизни ҳам сўрамабман. Кимдир "Жаннатхон борми?" деб қўнғироқ қилди.

— Ойижоним бўлса керак? — жилмайди суҳбатдошим. — Мени у киши шундай атайди. Асл исмим Жанна, лекин ойим учун Жаннатхонман...

Палатада болаларини олиб ётганлар тўрт киши эдик. Бизнинг суҳбатимизни бошқа шерикларимиз ҳам берилиб тинглашаяпти, ора-сира улар ҳам Жаннани саволга тутиб қўйишади. Охири чидолмади шекилли, қўшни каравотда ётган ўзбек аёли ҳайратланиб ундан сўради:

— Наверное вам трудно было выучить узбекский, да? Потому что, ман рус мактабида, колледжа ҳам рус группада училась, потом ғирт ўзбекча оилага келин бўлдим. Я так измучилась, ели-ели ўрганвомман...

— Бошида сал қийинроқ бўлган, ўзбекчани тушунардим-у, гапиришга қийналардим. Бувимиз бор эди. Ҳозир раҳматли бўлган, ўша киши кўпроқ менга далда берган. "Қизим, гапиаверинг, адашсангиз мен тўғрилайман, уялманг, шунда тез ўрганиб кетасиз", дердилар. Менга ўзбекча урф-одат, қандай кийиниш, қандай саломлашиш, оилада келиннинг ўрни, ўзимни қандай тутишим керак, ҳаммасини сабртоқат билан ўргатганлар.

Кутилмаганда бир нарса эсидан чиққандай тараддудланиб: "Вой, гап билан бўлиб, ойижонга телефон қилмабман-ку, хавотир олмасин", деб қайнонасига қўнғироқ қила бошлади.

— Алло, ойижон, тузукмисиз, соғлиқларингиз яхшими, болалар чарчатиб қўймаяптими, ишқилиб? Раҳмат, худога шукр... Майли, Худонинг паноҳида бўлинг...

Унинг қайнонаси билан бўлган муомаласини эшитиб, палатадагилар ҳаммамиз бир-биримизга қараб қўямиз.



**— Қайнонангиз бошида сизни қандай қабул қилган? — сўрайман яна қизиқишим ортиб.**

— Жудаям яхши кутиб олган, ҳозир ўз қизидек яхши кўради. Ҳатто бундан ҳам ортиқ, десам ҳам бўлаверади. Қизи бўлмагани учунми, менга меҳри ўзгача. Нима керак бўлса, турмуш ўртоғимдан олдин ойим илғаб, дарров олиб келади ёки ўзинг ол, деб пул берадилар. «Чиройли кийиниб юргин-да, ҳали ёшсан», дейди. Мазам бўлмай қолса, дарров дори-дармон сотиб олиб келади. «Сен соғ бўлишинг керак, касал хотин ҳеч кимга, ҳатто эрига ҳам ёқмайди», дейди. Ҳамма оилада бўлади-ю, баъзан хўжайиним билан айтишиб қолсак, албатта менинг тарафимни олиб, ўғилларини койиб беради.

Бу бахтли аёлга ҳавас билан термулиб ўтираверib, тушлик вақти бўлиб қолганини пайқамабмиз ҳам. Биргалашиб тушлик қилаётсак, Жаннанинг тўрт ёшли ўғли Сарваржон "бисмиллоҳ" деб ўзига Оллоҳдан шифо сўраб, дориларни ичди ва кейин овқат ея бошлади. Бу ҳолни кўриб, бизлар ўзаро кўз уриштириб олдик. Овқатланиб бўлганимиздан сўнг, Жанна дастурхонга узундан-узоқ фотиҳа ўқиди. Жойидан эрта қўл артиб туриб кетганлар уялганларидан яна дуога қўл очишди.

У ҳар-ҳар замонда уйига, катта ўғлига қўнғироқ қилиб: "Шаҳзоджон, Жамшид аканг билан талашмагин-а, хафа қилиб қўйманглар уни, укангга ҳам қара, акангни безовта қилмасин", дерди.

**— Ўзи нечта фарзандингиз бор? — сўрадим ҳайрон бўлиб.**

— Учта ўғлим бор, яна овсинимнинг ўғли ҳам биз билан. Ота-онаси чет элга кетишган. Болаларим шўх-да, йўқлигимда амакиваччасини хафа қилиб қўйишмасин, дейман.

Ўғли Сарвар дафтарини олиб, бир нарсаларни ёзиб ўтирарди. Қўшни каравотдаги Дилдора: "Қайси ҳарфда ёзаяпсан, английскийми?" — деб сўради. Ойиси: "Йўқ, бу лотин алифбосидаги ёзув-ку, акаларидан ўрганган-да буям", деб ўғлининг ўрнига жавоб берди. "Нима, болаларингиз ўзбек мактабида ўқийдими? — ҳайрон бўлди Дилдора. — Мен рус мактабида ўқиганим учун боламни ҳам рус мактабига бераяпман, чунки ўзбекчада дарсини тайёрлата олмайман, қийин-ку", деди. Шу икки жумланинг ҳам ярми русча сўзлардан иборат эди.

— Қайнонам ҳам, дадаси ҳам, «ўғлим ўзбекча мактабда ўқисин, боланинг онги миллий руҳда шаклланиши керак", дейишди. Мен ҳам бу фикрга қўшилдим. Ахир, Ўзбекистонда яшагандан кейин ўзбек тилини билмаслик, миллий урф-одатлардан бехабар бўлиш уят-ку! Яна бир гап. Ойим: "Болаларимиз соф ўзбек тилини ўзлаштиришлари шарт. Бизнинг умримиз аросат даврга тўғри келди. Қанийди, набираларим тоза адабий тилда гаплашса", деб орзу қилади. Менинг ҳам ниятим шу — ойимнинг орзусини рўёбга чиқариш. Рус тилига келсак, уйда ўзим ҳам ўргатсам бўлади...

Жаннанинг ҳар икки гапнинг бирида "ўзимизнинг ўзбеклар", "бизнинг ўзбеклардек" деган ибораларни қўшиб гапириши, ўзбек мақолларини ўз ўрнида ишлатишини кўриб: "Ҳақиқатан ҳам унинг миллати корейсмикан?" — деб иккиланиб қоламан ва ишонч ҳосил қилиш учун яна бир марта: "Отангиз ҳам корейс бўлганми ўзи?" — деб сўрайман. У ёқимли жилмаяди. "Нима, ишонмайсизми, олдинги фамилиям Пак эди", дейди. Мен бу ўзбек оиласининг севимли корейс келинига ҳавасим келиб: «Сиз ҳақингизда мақола ёзсам майлими?» деяман. "Қайнонам айтгандай кўз тегиб қолмасин тағин", дейди у ҳазиллашиб.

Жаннатхон билан танишув палатадаги ҳар биримизга ўзгача таъсир қилди. Ҳатто қўшни палатадаги хотин-қизлар ҳам хонамизга келиб у билан танишишга, икки оғиз бўлсаям суҳбатлашишга интиқ бўла бошлашди. Корейс оиласида вояга етган, ҳақиқий бу ўзбек аёлнинг маънавий дунёси ҳаммамизга ибрат бўлди. Ҳатто шу пайтгача русча гапираётган ҳалиги дугонамиз ҳам унинг ҳикоясини тингларкан, уялганидани, қийналиб бўлса ҳам ўзбекча гаплашишга ўтди...

**P.S.: Ушбу мақолани ёзаётганимда бехосдан телефоним жиринглаб қолди. Олсам ўша — Жаннатхон! Мендан ҳол-аҳвол сўраш, қизимнинг соғлигини билиш учун қўнғироқ қилибди. Кўнглимга илоҳий ёруғлик, илиқлик тўлди. Унга раҳмат айтарканман, хаёлимдан шундай инсонлар борлиги учун ҳаёт гўзал, деган ўй кечди.**

Шаҳноза РОФИЕВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

МУЛОҲАЗА

# НАФС РАҲМДАН УСТУН БЎЛМАСИН

Турли вазияту сабабларга кўра одам ижарада яшаши мумкин. Бундай пайтда кишининг ҳар бир сўм пули ҳисоб-китобли бўлади. Қарангки, айрим нафс бандалари ўзи шундоқ ҳам танг аҳволдаги ижарачининг ночорлигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишаркан...

– Биласиз, ижарада яшайман, – деб гап бошлади Салима деган аёл. – Ўтган йилнинг қаҳратон қиш кунларида уй эгаси ўғлини уйлантиришини ва ёш оилани бу ерга кўчиришини айтди. Излаб-излаб янги бошпана топдим. Аниқроғи, Марзия исмли аёл менга ёрдам берди. Эндигина бошпана соҳиби билан нарх ҳақида гаплашиб турсак, эшик тақиллаб икки йигит кириб келди. Улардан бири «мен сизга бошқа одам топиб бераман, у кўпроқ пул беради», – деб уй эгасини аврай бошлади. Иккинчиси бўлса, бу уйдан ажраб қолишни истамасам, қўшимча равишда уларга 30 минг сўм беришим кераклигини менга уқтирди. Чунки улар Марзияга шу уйни топиб берган эмиш-да. Жаҳлим чиқиб кетди-да: « Ҳозир икковингнииям устингдан мелисага арз қиламан», – деб бақирдим. Бу гапимни эшитиб, чўчиб қолган йигитлар Марзияни судрагудек бўлиб, уйдан олиб чиқиб кетишди. Эшитишимча, текин даромад илинжидаги бу иймонсизлар кўпчиликни шундай йўллар орқали «чув» туширишаркан...

Салима куйиниб сўзлаяпти-ю, мен эса бувимнинг ҳар қандай шароитда ҳам раҳм нафсдан устун бўлиши лозимлиги ҳақидаги ҳикматли ҳикояларини эсладим. Уруш йиллари экан. Иттифоқо, катта аммам ўзининг нон карточкасини (ўшанда шу матоҳ оиланинг бир кунлик нон нормаси учун берилган экан) йўқотиб қўйибди. Тўрт кишилик оила икки кун мобайнида оч қолишади. Уларнинг бу аҳволидан хабар топган қўшни аёл қарийб бир ҳафта ўз нонини бувимлар билан бирга баҳам кўрган экан. Кейинчалик қўшнимиз Самарқандга кўчиб кетган бўлса-да, ҳалигача борди-келдимиз бор, бир-биримиздан узилиб кетмаганмиз. Ўшанда нонга айланган раҳм нафсдан устун чиқиб, кўнгилларга кўприк бўлганмикан?..

Муқаддас динимизда «силайи раҳм» деган тушунча бор. Бу атрофимиздаги одамларга, қавму қариндошга меҳрибон бўлиш, ғамхўрлик кўрсатиш деганидир. Лекин афсуски, гоҳида ўз манфаатига қул бўлиб, раҳмдан кўра, нафс таъсирига берилиб кетганлар ҳам учрайди.

Агар нафс устун бўлса, инсоннинг ижобий фазилатлари юзага чиқмайди. Инсон ўз нафсига қул эмас, балки унинг бошқарувчиси бўлиши керак. Бу борада ўзини жиловлай ололмаган одам ихтиёрини ҳам унга топшириб қўяди. Бу эса инсондаги гўзал фазилатларга путур етказади.

Моҳигул НАЗАРОВА

# ИККИ ДУНЁ ОРАЛИҒИДА



**Шодмон ОТАБЕК**

(Боши ўтган сонларда)

– Э-э, дунёда футболдан ҳам қизиқроқ нарсалар бор, – деди Янгибой ҳазиломуз оҳангда. – Одам одамга ғанимат бўлиб қолди ҳозир.

Ҳалимжон ғаройиб кўзбойлоғичдай энгашиб, стол устига ташлаб қўйилган газетани кўтарди. Оддий дастурхон бир зумда худди эртаклардаги очил дастурхонга айланди-қолди. Унда қушнинг сутидан бўлак ҳамма нарса муҳайё эди.

Салима беихтиёр ҳайратдан чақнаб кетган кўзларини яшириб, четга ўгирилди. Руқия эса ўз-ўзидан оғзининг таноби қочиб, ҳуда-беҳуда жилмаярди.

– Бугун кимнинг туғилган куни ўзи, Янгибой ака? – деб сўради Руқия нозланиб. Кўринишдан ўзига тенгдош, балки ҳатто кичик бўлган йигитни ака, дейиши Салимага сал эришроқ туюлди.

– Кимнинг туғилган куни яқин қолган бўлса – ўшаники! Келишдикми?

– Келишдик!

Туғилган кунларни суриштириб кўришса, Руқияники ўтиб кетибди, Янгибойники кузда, Ҳалимжонники қишда, фақат Салиманинг туғилган куни олдинда – яна икки ҳафтадан кейин экан.

– Жуда яхши-да! – деди Янгибой тантана билан кафтларини бир-бирига ишқаб. – Демак, бугун Салимахоннинг туғилган кунларини нишонлаймиз. Жуда соз! Айни муддао! Бугунги хурсандчилигимизнинг асосий айбдори – Салимахон!

– Қўшиламиз, яхши таклиф, – Руқия бу гапни ланж-паришон бир алфозда, Янгибойнинг орқасидаги деворга қоқилган палакка (бу ҳам соҳиби хонанинг шахсий мулки!) тикилганча айтди. Унда эндигина қўлидаги камондан ўқ узган овчи билан оёғи ва курагидан яраланган оҳу тасвирланган эди.

– Янгибой ака, оҳуларга ишқибозмисиз дейман-а?! – Руқияга Янгибойнинг оғзидан бол томиб Салимага илтифот қилаётгани алам қилди чоғи, кўмма гап билан чалғитмоқчи бўлди.

– Э-ҳа, буми? – Янгибой Руқиянинг пойма-пой луқмаларидан энсаси қотиб, орқасига қараркан, пешонаси тиришди. – Ҳм, Ҳалимжон! Чойдан қуй! Қани, дастурхонга қаранглар! Олишиб ўтиринглар, тортинманглар!

Салима ҳамон игна устида ўтиргандек безовта эди. Туғилган куни билан боғлиқ лаҳзалар, беғубор таассуротларнинг бутунлай дахлсиз бўлишини истар, ўйлаб-ўйламай айтилаётган ҳазил-мутойибалар, беписанд гапларда, умуман, мана шу ўтиришнинг ўзида қандайдир бир ғирромлик, нопоклик бордай эди.

– Мен бу таклифга... қўшилолмайман, – Салиманинг кўнгилғашлиги ногоҳ тилга кўчди. – Ўтирсак шундай.. тўғриликча ўтирайлик!

– Салима-а! – деди Руқия танбеҳомуз оҳангда, ранжиганини яширмай. – Нима бўлди ўзи сизга? Бугун чап ёнингиз билан турганмисиз?

– Менимча, биз... тўғриликча ўтирибмиз, шекилли?! – Янгибой ҳайрон бўлиб, елка қисди.

Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Салима айтган гапидан андак хижолат ҳам бўлди: сал ошириб юбормадимикин?

Ҳалимжон Янгибойга саволомуз қараган эди, у майли, дегандек бош ирғади. Шундан кейин ичимликлар очилди. Меҳмонларга шампан виноси, мезбонларга коньяк қуйилди.

– Қани бўлмаса, тўғрилик учун, бир-биримизни тўғри тушуниш учун ичамизда, энди, – деди Янгибой енгил киноя-афсус ила бош чайқаб. – Олинглар, кўнглинглар кўтарса, шу гапимга қўшилсанглар – ичинглар.

– Яхши тилак учун ичиш керак, – деди Руқия муросага ундаб.

Таомилга кўра, такрор-такрор илтифот-мулозаматлардан сўнг бирин-кетин қадаҳлар кўтарилди. Салима бир қултумгина ютинган бўлди-ю, қадаҳни чойнак панасига яширди. Уни зимдан кузатиб турган Янгибой бир нима дейиш учун оғиз жуфтлади, аммо негадир иккиланиб, индамай қўя қолди: бу аёл ўзи содда кўринган билан анча нозиктаъб, ҳуркак, шекилли. Ҳай майли, синалмаган отнинг сиртидан ўтмай тургани маъқул. Наҳотки, у ҳам ўзини фаришта қилиб кўрсатмоқчи бўлса?! Э, фаришта бўлиб қаёққа борарди? Бунақалардан кўпини кўрган. Қизиқ, негадир жа-а... унақагаям ўхшамаяпти-ку! Қарашлари мулойим, айни чоғда жиддий, сергак, ийманиб-тортиниб ва андак қисилиб-қимтиниб ўтириши, буғдойранг кулча юзлари, қалин киприклар остига яширинган шаҳло кўзларининг порлаб-чақнаб туриши нақадар ўзига ярашган, нақадар куйдирмажон! Қараган сайин қарагиси келаверади!

– Янгибой ака! – деди Руқия яна эркаланиб. – Рубобни олинг энди. Боягиси ҳисоб эмас, ўзимизга аталганидан ҳам эшитайлик.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Мезбонлар рубоб билан доирани олиб, яна хонанда билан созандага айланишди. Янгибой рубобни тинг-тинг қилиб турди-ю, кутилмаганда ўша машҳур қўшиқни куйлаб юборди:

*Сочинининг савдоси тушти бошима бошдин яна*
*Тийра бўлди рўзгорим ул қароқошдин яна.*

Салима бу қўшиқни машҳур артист ижросида кўп эшитган, Янгибой ҳам ўша таниш мақомда айтаётганини сезиб турар, айни чоғда овози одатдагидан кўра ширали, ёқимли туюлар эди. Хонанданинг боғдаги томошада катта ашулани деярли айтмаслигини эслаб, ўзича таажжубланди. Назарида, мана шундай худо берган овози бўлган, кўнгил розини қўшиқ қилиб куйлай оладиган одам у каби дарди ичида, ўз ёғига ўзи қоврилиб юрадиган кимсаларга нисбатан анча бахтли, омадли эди. Хар қалай, у ҳақда шубҳали хаёлларга бориши ноўрин, асоссиздек туюлди.

Янгибой қўшиқни тамомлаб, рубобни бир четга олиб қўйди. Аёллар енгил қарсак чалиб, олқиш-ташаккур изҳор қилишган бўлди.

– Раҳмат, энди жуфт бўлсин! – деди Руқия.

– Ҳозирча шуниси кифоя. – Янгибой каравот қиррасига ташланган гулли сочиқни олиб, ичимликданми, ҳаяжонданми терлаб-қизариб кетган юз-кўзларини артди. – Насиб этса ҳали кўп хурсандчилик бўлади.

Шу маҳал эшик оҳиста чертилиб, очилди ва остонада ёшгина ҳамшира қиз кўринди. У салом бергач, хона соҳибига саволомуз қараб қолди. «Кейинроқ, ўзим айтаман», деди Ҳалимжон ва уни чойга таклиф қилди. Ҳамшира «Раҳмат!» дея эшикни авайлаб ёпиб, чиқиб кетди. Салима Руқия билан кўз уриштириб, соатга ишора қилди.

– Майли, Янгибой ака, бизга рухсат энди, – деди Руқия.

– Э-э, биз ҳали сизларнинг дийдорингизга тўймадик-ку! – Янгибой беозор ҳазил қилган бўлди. – Ўтирибмиз-да, гурунглаши-иб.

– Раҳмат, яхши ўтирдик, – деди Салима ўрнидан қўзғалиб.

– Чаласини энди тушингизда кўрарсиз, – Руқия ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди. – Пастда қайнонамиз бор, ўқланган милтиқдек бўп-тургандир ҳозир.

– Дарвоқе, кампиршониям бошлаб келавермабсизлар-да. Милтиғини ўқлаб турган бўлса, олдига қуруқ бориш хавфли, Ҳалимжон!

Ҳалимжон музхонадан мева-чева ва яхна таомлар солинган иккита қоғоз халтани олиб, меҳмонларга тутқазди.

– Қўйинг, овора бўлманг, – деди Руқия бу тантиликдан завқини яширолмай.

– Йўқ-йўқ, керак эмас! – Салима қатъий оҳангда рад қилди.

– Олмасанглар хафа бўламиз, – деди Янгибой – Ошно-ғайнилар худонинг берган куни йўқлашади, айвондаям қанчаси ётибди. Ташлаб юбориш увол.

Ноилож халталарни кўтариб, йўлакка чиқишди. Даҳлизда энди телевизор ўчирилган, бояги бемор ёлғиз каравотида усти ярим очиқ ҳолда пинакка кетган эди. Меҳмонларни иккинчи қават зинасигача кузатиб қўйишди.

Салима негадир енгил тортди. Айни чоғда ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса рўй бермагани учун ҳайрон қолгандек бўлди. Қизиқ, шунчаки ўтириб, бир пиёла чой устида гурунглашиб қайтишди холос, бор гап шу! Осмон узилиб ерга тушгани йўқ. Шунга ҳам ота гўрқозихонами? Ажабо, нега энди у ўзига ўзи ҳисоб беряпти? Ахир ҳеч ким уни терғаб, сўроқлаётгани йўқ-ку!..

– Кампирга энди тўғрисини айтаверамиз-да, – деди Руқия хонага яқин қолганда. – Айвондан туриб эшитган бўлиши мумкин.

– Албатта! Салима «Яна бошқа қандай гап бўлиши мумкин?», дегандек ажабланди. Аммо шу тобда Маъмура опа билан юзма-юз бўлишни истамас, кўнглида: «Кошки ухлаб қолган бўлса!»—деган муфҳам бир илинж бор эди.

Эшик очилганда чалқанча ётганча чойшабга ярим ўралиб, газета ўқиётган Маъмура опа шарпадан сергакланиб, кўзойнаги устидан: «Келдингларми?»—дея бир қараб қўйди-ю, яна бошини орқага ташлади.

– Бўлди, газетани қўйинг! Нима, энди ўқиб отинча бўлармидингиз? – Руқия шартта бориб, опанинг газетасини олиб қўйди. Устини очиб, қўлидан тортқилади. – Туринг, чой ичамиз.

– Уйқу олдидан чойга бало борми? – Маъмура опа ярим ёнбошлаб, биқинига ёстиқ тортди. – Қаёққа гумдон бўлиб кетдинглар?

(Давоми бор)




## АЛВИДО, УЗУН ТИРНОҚЛАР!



Сиз суратда кўриб турган бу аёл америкалик Ли Редмонд хоним бўлади. Дунёдаги энг узун тирноқлар соҳибаси сифатида унинг номи Гиннеснинг «Рекордлар китоби»да қайд этилган. Тирноқларнинг ҳар бири 80 сантиметр атрофида бўлиб, барча бармоқлардаги тирноқларнинг умумий узунлиги 8 ярим метрни ташкил этарди.

Афсуски, энди бу тирноқлар йўқ. Яъни, ўтган ҳафтада автоҳалокатга учраган Редмонд хоним мўъжизавий тирноқларидан айрилди. Ҳалокатдан у анча жиддий тан жароҳати олди. Аммо унга етказилган тан жароҳатидан кўра, қалб жароҳати ошиб тушди. Ахир, шу тирноқлар унинг ҳаёт мазмуни эди-да.

Ли охирги марта ўз тирноқларини 1979 йилда олганди. У иш билан жудаям банд аёл бўлгани учун мунтазам маникюр қилишга вақт топполмас, фақат гигиеник парвариш билан чекланиб юрарди. Кейин... тобора ўсиб бораётган тирноқларига қараб, миясига "рекорд сари ҳаракат қилсам-чи" деган хаёл келиб қолди. Ва у бунга эришди.

Унинг айтишича, бундай узун тирноқлар кир ювиш, овқат тайёрлаш каби рўзғор юмушларини бажариш, машина бошқаришга асло ҳалал бермас экан.

Энг узун тирноқлар соҳибаси бўлган Ли Редмонд бир қанча телешоуларда суратга тушди. Бир вақтлар япон телешоуси вакилларидан бири унга ўз кўрсатувида тўғридан-тўғри эфирда тирноқларини қайчи билан олиб ташласа, 10 минг доллар беришини айтганди. Начора, ўшанда Ли ўзининг тирноқлари беҳудага асфальтга сочилиб кетишини билмаган-да.

Бу мудҳиш воқеадан хабар топган Гиннесчилар маъмурияти жабрланган аёлга расман ҳамдардлик билдирди ва "Редмонд уларнинг компаниясининг "афсонавий" вакиласи, унинг тирноқлари эса Редмонд ҳаёти ва ажойиб характерининг бир қисми эди", дея таъкидлашди.

## СУМКАДАН "ЭҲТИЁТ" БЎЛИНГ!



Европа олимлари шундай хулосага келишди: агар аёллар олиб юрадиган сумкаларнинг вазни 3-4 килограмм бўлса, бу умуртқа поғонасининг оғир хасталанишига олиб келади. Олимларнинг бундай тадқиқот ўтказишларига кейинги пайтларда аксарият аёлларнинг бош айланиши, бел ва бўйиндаги турли оғриқлар юзасидан қилган кўплаб шикоятлари сабаб бўлди. Шикоят қилганлар текширувдан ўтказилганда, уларнинг нозик қад-қоматларида 3 килодан оғир юкни мунтазам кўтариб юриши оқибатида ҳар ёнга қийшайиш аломатлари кузатилган. "Агар саломатлигингизга зарар етмаслигини истасангиз, сумкангизни ортиқча, оғир буюмлардан ҳоли қилинг", дея таъкидлайди олимлар.

**Интернет хабарлари асосида Наргиза САРИМОВА тайёрлади**

# ERTAK O'QIGANMISIZ?

## U bolalarni komillikka yetaklaydi

Har gal qishloqqa borsam, jiyanlarimni biroz imtihon qilaman. Qaysi ertaklarni bilishini, qaysilarini yaxshilab aytib bera olishini sinab ko'raman.

— «Uch og'ayni botirlar»ni o'qiganmisan?

— Televizorda spektaklini ko'rganman...

— "Tohir va Zuhra" ertagini bilasanmi

— Umuman olganda bilaman... kinosini ko'rganman.

— «Zumrad va Qimmat»nichi?

— Multfilmini ko'rganman.

— Kitob o'qib turasanmi, o'zi?

— Vaqt kamroq...

— Ayt-chi, hozirga qadar bironta kitobni to'liq o'qiganmisan?

— ...

Buni qarangki, afsonalarda hammani lol qoldiradigan va kelajakdagi orzui hisoblangan texnika taraqqiyoiti ertak aytishadigan, va shu orqali sirlashadigan suhbatdoshni topishni muammo qilib qo'yganga o'xshaydi. Inson qalbidagi eng sara istaklar ertak qahramonlari taqdiri hisoblanadi. Ularni o'qir ekansiz, zolimning badqarorliklari, xasis boyning hiylalari, yolg'onchining kirdikorlari avvalo asta-sekin ko'z o'ngingizda namoyon bo'lib boradi. Bunday badkirdorlardan azob chekkan oddiy insonlar ham shu jarayonda jonlanadi. Siz o'qir ekansiz, ular uchun kuyina boshlaysiz, ayni paytda badaxloq kishilarga nafratingiz osha boradi. Nihoyat, ertak yakunlanadi. Natija shu bo'ladiki, ezgulik, yovuzlik ustidan g'alaba qiladi.

Halollik, vafo va botirlik yuzlab ertaklarning asosiy mavzusi hisoblanadi. Chunki ko'plab ertak oldiga qo'yilgan bitta muammo ana shu uch xil fazilat orqali oqilona hal etiladi. «Uch og'ayni botirlar» ertagini o'qiganda shunday insoniy hislatlar to'g'risida uzoq o'ylanib qolasiz. Shu nuqtai nazardan olganda «Zumrad va Qimmat» ertagi hajm jihatdan unchalik katta emas. Biroq uning mazmuniga bir olam nodir fazilatlar jamlangan.

Qanday zamonaviy texnika vositasi, qanday imkoniyatlar bo'lmasin ertaklar haqida eshitish bilan muddao hosil bo'lmaydi. Ertaklarni mutolaa, mushohada etish zarur. Bu esa ularning faqat to'liq holda o'qish bilan amalga oshiriladi. Birovdan eshitgan, ekranda ko'chirilgan ertaklar qimmatini ma'lum darajada yo'qotadi. Maqsadiga erishgan botirlar, pahlavonlar, polvonlar kabi jasoratli kishilarning hayot yo'li kitobxonning orzuiga aylanadi. Bir so'z bilan aytganda, ertaklar o'qib ulg'aygan avlodda barcha insoniy xislatlar mujassam bo'ladi. Zero, bu har bir inson uchun komillik yo'lidir.

**Zebiniso NAZIROVA**



# BOLALAR DUNYOSI

## «KATTA FAN»

**(«Toy bola» turkumidan)**

Ra'no singlimni buvijonim nuqul «Oyqizim» deb erkalatadi. Nega meni oybolam demaydilar, deb ba'zan xafa bo'laman. Buni sezgan buvijonim o'g'il bolani oyga o'xshatmaydilar. Chunki ular oymomaga o'xshab nafis emas, mard, jasur bo'ladi, dedi.

Buvimning gaplari to'g'rimikan, deb kechasi sekin oyga termulaman. Vuy, chiroyliligini, xuddi rassom chizgan qoshga o'xshaydi-ya. Mening kuzatayotganimni sezib qolgan buvijonim sekin yonimga keladilar. «Oyga ko'z tashlab, bu uch kunlik oy chiqqanini bilmay qolibman-a». Unga yana bir qarab olib, «o'ziga tinch» deydilar. Keyingi so'zlarini uncha tushunmaganimni sezib tushuntira ketadilar.

— Yangi chiqqan oy o'roqqa o'xshab tursa, hammaga tinchlik tilagani bo'ladi deyishardi qadimgilar, bordi-yu, yotiq ko'rinsa, o'ziga tinch bo'larkan.

Birdan nimadir eslariga tushib, shoshib qoladilar va tezgina bir nimani pichirlab o'qiydilar. Keyin...

— Yanagi shu oy, shu kunlarga o'zing eson-omon yetkaz, — deya osmonga qarab, yengilgina sakraydilar va mening peshonamdan o'padilar.

— Umring uzoq bo'lsin, toychog'im.

— Buvijon, nega sakradingiz? — deyman qiziqib.

— Irimi shunaqa. Yangi oy chiqqanda mening buvim ham, hatto buvimning buvilari ham niyat qilib, kichkina bolani o'pib qo'yisharkan. Negaki yosh bola oydek beg'ubor bo'larkan.

— Buvijon, nega oy qayoqqa yursam, o'sha yoqqa yuradi?

— Chunki seni yaxshi ko'radi-da.

— Nega bo'lmasa, kunduzi ko'rinmaydi?

— Quyoshning nuri uning jamolini to'sib qo'yadi. Tunda esa, odamlar yo'lini yoritish navbati unga keladi.

Buvijonim rost aytadilaru lekin baribir boshqa sababi ham bo'lsa kerak, deb o'ylayman. Va akamga aytib bera qoling, deb hiqillayman. Chunki akam yuqori sinfda o'qiydilar. Osmon, yulduzlar va oymoma bilan bog'liq gaplarni bilishga qiziqadilar.

— Buning o'zi katta fan, sal katta bo'lgin, aytib beraman, — deydilar.

E... Endi bildim. Oyning meni yaxshi ko'rib qolishi, ketimdan yurishi, hatto kechasi «yaxshi uxlayapsanmi?» deb yotog'imga mo'ralashi fan ekan-da. Hoynahoy fan degani mehribonlik degani bo'lsa kerak. I-e, og'ayni, kichkina bola ham «fan» degan so'zni ishlatadimi, deyapsanmi? Ishlatadi-da, albatta. Axir biz o'rganayotgan matematika, ona tili — bular ham fan-ku.

**Yayra SA'DULLAYEVA**



Qatra

## QIMMATGA TUSHGAN HAZIL

Dildora bilan Saida bir sinfda o'qishadi. Ular yaqin dugona. Darslarga doimo birga kelib, birga qaytishadi. Dildora o'ta quvnoq qiz. U hamma bilan hazil-mutoyiba qilib, kulib gaplashadi. Shuning uchun undan hech kim xafa bo'lmaydi. Mabodo bir-ikki kun maktabga kelmay qolsa, sinfimiz huvillab qoladi.

Bir kuni u hazil qilaman deb xato qilib qo'ydi. Saidaning qo'l telefonini sumkasidan olib, Mahfuzaning sumkasiga soldi. Saida bechora telefonini izlab, hammadan so'rab chiqdi. Dildoraning bu qilig'idan bexabar Mahfuza indamay o'tiraverdi. Orif ismli bola Saidaning telefon raqamiga qo'ng'iroq qilgandi, u Mahfuzaning sumkasidan ovoz berdi.

Hamma hayron bo'lib qoldi. Saida telefonini olib Mahfuzaga: «O'g'ri ekansan!» deb sinf xonasidan chiqib ketdi. Dildora bu uning hazili ekanini Saidaga tushuntirishga urinmasin, Mahfuzani kechirmayapti. Boshqa qizlar ham undan o'zlarini olib qochadigan bo'lib qolishdi. Dildoraning esa xatosini tuzatolmay boshi qotgan.

**Nodira XOLDOROVA,**
**O'zDJTU qoshidagi akademik litsey, 103 guruh o'quvchisi.**

# TOG' HAQIDA RIVOYAT

Qadim-qadim zamonda Qo'ytosh deb ataluvchi tog' oralig'ida so'lim bir maskan bo'lgan ekan. Undagi hayvonot dunyosi, turli mevali daraxt va dorivor giyohlar tog'ning go'zalligi va fusunkorligini oshirib, ko'rkiga ko'rk qo'shib turarkan. Baland qoya yonida arxar, kiyik va ohular, buloq bo'ylarida esa suvsar va jayralar sakrab, o'ynab yurarkan. Bahor kelishi bilan kaklik, boyo'g'li va bulbullar xonish qilishdan hech charchamas ekanlar. Tog' yon bag'irlari va etaklarida qip-qizil lolalar, ravoch va turli dorivor giyohlar o'sarkan.

Tog' oralig'ida bir jodugar kampir yashar, o'zining sehrgarligi bilan atrofdagi barcha tirik mavjudotlarni bir zumda toshga aylantirib qo'yish qudratiga ega ekan. Xohlasa, tevarak-atrofdagi dov-daraxt, ekintikin va giyohlarni suvsizlikdan qovjiratib qo'yar yoki suv toshqinlarini vujudga keltirib, turli talofatlar olib kelarkan.

Kunlarning birida u tog' oralig'ida qo'y boqib yurgan ota va uning o'g'illariga duch kelibdi. O'n-o'n ikki yashar bolakaylarning bir-birlari bilan inoq, ahilligi va mo'minqobilligi unga yoqib qolganligidan ularni sehrlashga ko'ngli yo'l qo'ymabdi. Goh-goh ular bilan uchrashib turadigan bo'libdi.

Bir kuni sehrgar kampir yolg'iz yashagani uchun bolakaylarga ona-bola tutunish istagida ekanligini aytib, evaziga ko'p boylik va'da qilibdi. Lekin aka-ukalar uning taklifiga rozilik bermabdi. «Siz odamlarga bemehrsiz, o'zingizga yovuzlikni kasb qilib olgansiz. Sizdan hamma nafratlanadi», — deyishibdi baravariga. Shunda kampirning jahli chiqib bolakaylarni va yaylovdagi qo'ylarni bir zumda sehrlab, keyin o'zi ham toshga aylanib qolibdi. Shushu tog' oralig'idagi bu so'lim maskan Qo'ytosh nomi bilan ataladigan bo'libdi.

Hozir ham bu maskandagi harsang toshlarga diqqat bilan razm solsangiz, bir necha uylar atrofida bir otar qo'y yoyilib yurgandek tuyuladi. Qoya toshlari esa xuddi odamlarga o'xshab ketadi.

Har safar kichkintoylar Qo'ytosh tog'i oralig'ida yashab, umrguzaronlik qilib kelayotgan momolarining ana shu rivoyatlarini tinglaganlarida, yaylovda qo'y boqib, toshga aylanib qolgan aka-ukalarga nisbatan murg'ak ko'ngillariga hayrat va shafqat tuyg'ulari paydo bo'ladi. Bolakaylarga nisbatan mehr va muhabbat hislari ortadi.

**Abdulla SAIDOV,**
**xalq ta'limi a'lochisi.**



**Rasm muallifi — Azima TEMIRBOYEVA. Qoraqalpog'iston Respublikasi Taxtako'pir tumanidagi 4-o'rta maktabning 7-sinf o'quvchisi.**



**Rasm muallifi—Asilbek JO'RAQULOV. Qarshi shahridagi 15-o'rta maktabning 5-sinf o'quvchisi.**

**Sahifani Nigora RAHMONOVA tayyorladi**

ОТАНГДЕК УЛУҒ

# ҚАЛБ СУРАТИНИ КЎРАЯПМАН

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети чет тиллар факультети олмон тили ва ўқитиш методикаси кафедра мудири, профессор Хуррам Раҳимов ҳақида сўз кетса, чин маънода устоз, мураббий сиймоси кўз олдимда намоён бўлади. У киши ҳар доим қалб ҳақида жўшиб, ҳайратланиб сўзлайди. Гўзал ташбеҳлар, нафосатли сўзлар билан тасвирлайди қалбни.



...Бир неча кунлар давомида ҳижжалаб қилган таржимамни бағримга босиб, домла ҳузурига отландим. «Ташлаб кетаверинг, кўриб қўяман», деган сўзни кутиб ўтирсам, устоз ўз одатича, бир пиёла чойни қўлимга тутди-да, оддий дафтарга ёзилган таржимамни эринмай кўриб чиқди. Бир саҳифани ўқий туриб, мамнун ҳолда «яхши», деб қўйди. Сўнг менга йўл-йўриқлар кўрсатиб, машҳур немис шоири Гётенинг иккита шеърини таржима қилиб келишимни уйга вазифа қилиб берди.

Ниҳоят, таржима қилган шеърлар ҳам тайёр бўлди. Қандай қабул қиларкин? «Қўлингиздан келмас экан», деса нима қиламан? Минг хил ўйлар билан унинг ҳузурига бордим. Ҳар галгидек барча ишларини бир ёққа сурди-да, ёзганларимни ўқишга тушди. Кўз узмай кузатаяпман. Биринчи бетнинг охирига келганда юзлари ёришиб, қалин қошларини чимириб, кўзойнак тепасидан менга қараб жилмайди-да, «бўлади», деб қўйди. Иккинчисини ўқигач эса, «Сизда қалб бор экан. Сиз у сиз...» Хуллас, бир зумда осмону фалакка олиб чиқиб, мендан «буюк таржимон» яратиб қўйди.

Устоз нафақат ҳамкасблари, шогирдларига меҳрибон, балки оиласида ҳам яхши, барчага ўрнак бўладиган ота эканлигини мен эмасам ҳам кўпчилик яхши билади. Рафиқаси таниқли шоира, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова. Ўттиз йилдан бери аҳил ва тотув яшаб келаётган бу икки ижодкорнинг кўпчиликка ибрат бўладиган ажойиб оилаларида тўрт фарзанд улғайиб, эл-юрт корига ярайдиган даражага етишяпти.

Ҳар куни у кишининг ҳузурига кўплаб магистрлар, аспирантлар келади. Уларга алоҳида вақт ажратиб, дилдан суҳбатлашиб, йўл-йўриқлар кўрсатиб, ҳеч эринмасдан керакли адабиётларни топиб бераётганини кўриб, сабру тоқати, кенг феъллигига тан берасан, киши. Яна денг, китоблар ёзиш, олмонча-ўзбекча таржималар, янгиянги тадқиқотлар устида ишлашга қандай вақт топаётганига ҳамма ҳайрон қолади. Энг муҳими, сиз билан ёнма-ён, ҳаммаслак, фикрдош шундай маърифатли инсонлар бор экан, мамлакатимиз илм-фани янада гуллаб яшнайверади. Шундай фидойи устозларга ҳар қанча таъзим қилсак, арзийди.

**Анора МАМАТОВА**

АЖАБО!

# СОВҒАСИНИ ЎЗИ ЎҒИРЛАДИ

Тўйим бўлаётган кун. Уй тўла одам. Кимдир меҳмон кутиш билан, яна кимдир дастурхон тузаш билан овора. Икки-уч яқинларим билан кечкурунги базмга кийим танлаш билан бўлиб дугоналарим кириб келганини ҳам сезмай қолибмиз. Улар бирин-кетин табриклаб, қўлларидаги совғаларини менга тутишди. Мен эса синглимга. Яқин сирдош дугонамнинг совғасини олар эканман синглимга эҳтиётлаб олиб қўйишини, бу жуда қадрли эканини уқтирдим. Ва бирга келган синглисини зериктирмаслигини айтдим. Тўй тугади. Куёвнавкарлар келинни олиб кетишга келди. Мен нарсаларни йиғиштирар эканман, дугонамнинг совғаси қолиб кетмасин, синглимнинг ёдида борми-йўқми деб совғалар қўйилган хонага бордим. Эшикни энди очмоқчи бўлгандиму, эшик ортидаги таниш овоз мени тўхтатди. Бу дугонамнинг синглисига шошиб айтаётган гаплари эди. «Мана мен берган совға, қўлтиғингга сол-да, кўрсатмай, тез уйга олиб кет. Аямга кўрсат, қайтариб олиб келдим де...»



Бирпас карахт бўлиб турдиму, ортимга, мени кутиб ўтирган бошқа дугоналарим олдига қайтдим. Ёр-ёр айтиб узатилар эканман, чунонам йиғладимки... Бу аламли йиғимнинг боиси, аввало ота уйимни бир умрга тарк этаётганим билан бўлса, иккинчиси энг яқин дугонамнинг сохта мулозаматидан эди...

Мен ўйлаган дўстлик туйғуси шунчалик мўртмидики, бир сонияда синса... Ҳолбуки, у совға нима экан, деб қизиқаётгандирсиз? Қадрдон, сирдошлигимиз рамзи сифатида унга аталган бир жуфт оққуш чинниси эди...

**ДИЛФУЗА**

ДАҲОЛАР МУҲАББАТИ

*Олам яралибдики, инсоният ўзи яшаб турган борлиқ ҳақида билишга, уни ўрганишга қизиқади. Шу маънода дунёни билишга, ўрганишга анчайин уринишлар бўлди, инсон томонидан қатор кашфиётлар қилинди. XX аср бошларида яратилган, дунёни ҳайратда қолдирган НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ ана шу кашфиётлар сирасига киради. Бу назария ихтирочиси - жаҳонга машҳур физик олим, Нобель мукофоти совриндори Альберт Эйнштейн эди. Биз одатда даҳолар ҳақида сўзлаганимизда негадир парда ортида туриб, уни қўллаб-қувватлаган ва мадад берган, ҳамнафас бўлган, шу ихтиронинг яратилишига ҳисса қўшган инсонларни унутамиз. Улар гарчанд расман таъкидланмасалар-да, ҳаммуаллиф сифатида ана шу оламшумул кашфиётга шерикдирлар. Биз бугун ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз ана шу ҳақда. Шу маънода даҳога рафиқа бўлиб, уни қўллаб-қувватлаган, ажойиб салоҳияти билан илмфан тараққиётига катта улуш қўшган аёл – Альберт Эйнштейннинг умр йўлдоши Милева Марик ҳақида Парижда чоп этилган «Эль» журналидан олинган мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.*



# ЭЙНШТЕЙННИНГ БУЮК КАШФИЁТИГА ДАХЛДОР ЭДИ...

**...«Унга эътиборлироқ бўлинг, қизингиз бутунлай бошқача».** Югославияда кичик шаҳарча ҳисобланган Румдаги мактабнинг кекса ўқитувчиси ўз ўқувчиси Милева Марикнинг ота-онасига шундай маслаҳат беради. Муаллим айтган хусусият, қизчанинг ажойиб, камсуқум ўқувчи бўлиши билан бирга, математика фанидан фавқулодда қобилиятида зоҳир эди. Ёш бўлса-да, қанчақанча китобларни ўқиган, серб-хорват тилларидан ташқари немис тилида ҳам бемалол эркин гаплашарди. У яна ноёб мусиқий қобилиятга ҳам эга эди. Тўғри, қиз оқсарди (туғма чўлоқ эди), уни чиройли, деб бўлмасди. Бироқ унинг катта-катта қора кўзлари кишини беихтиёр ўзига мафтун этиб қўярди...

Қизчанинг ғайриоддий ва ранг-баранг истеъдоди отасининг фарзандига қилган ғамхўрлиги туфайли гуллаб-яшнади. Милеванинг отаси Милош Марик бу пайтга келиб ҳарбий хизматдан истеъфога чиққан, ўзини қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликка бағишлаган эди. Ота юрагида оғриқ билан суюкли қизини Загреб шаҳридаги қироллик серб лицейига ўқишга жўнатади ва ўзи ҳам тез орада солиқ тўпловчилик ишини топиб, бу ерга бутун оиласи билан кўчиб келади. Илм олишга чанқоқ, тиришқоқ қиз Милева эса 19 ёшга чиқар-чиқмас, университетда ўқиш учун Цюрих шаҳрига йўл олади. У ерда лотин, француз тилларини ўрганади, математика, табиий фанлар, физика, тарих, санъат ва... стенографиядан таҳсил олади. Дастлаб Милева ўзини тиббиётга бағишлашни ният қилади. Сўнгра қиз бирдан: «Математик бўламан!» — деган қарорга келади. Шунда у Цюрихдаги политехникумга ўқишга киради ва бу ерда Альберт Эйнштейн, деган талаба билан танишади...

Милеванинг тақдирига бу даҳо йигит (у қиздан тўрт ёш кичик эди)га ёрдамчи, унинг илҳом париси, яқин дўсти ва ёстиқдоши бўлиш битилган экан. Зиммасига юкланган бу шарафли вазифаларни у аъло даражада бажаради.

Муаллифи Альберт Эйнштейн саналмиш кашфиётларда, жумладан, машҳур нисбийлик назариясининг яратилишида Милева қай тарзда иштирок этган? Ёки у баъзилар таъкидлаганидай, эридан кўра буюкроқ, истеъдодлироқмиди? Уларнинг турмуши, ҳаёт йўлларидаги ана шу жиҳатлар ҳали чуқур тадқиқ қилинмаган. Лекин шуниси равшанки, Милева илмфанда эришажак ўз орзу-ниятларидан, мавқе-мартабасидан воз кечиб, бутунлай ўзини, бутун истеъдодини-ю билимини умр йўлдошининг ижодий қизиқишларига бахш этган. Уни кашфиёт яратишга аввало аёлнинг даҳо олимга бўлган катта муҳаббати, эътиқоди даъват этади.

Альбертнинг отаси икки ёшнинг турмуш қуришларига норози бўлади. Отасининг қаршилигига қарамасдан Альберт Милевага уйланади. Уларнинг илк кўрган фарзандлари қиз бўлиб, у кўп яшамай нобуд бўлади. Кейин ўғил кўрадилар – унга Ханс Альберт деб исм қўядилар. Сўнгра яна бир ўғил – Эдуард дунёга келади. Бу ўғилларнинг ота-оналари дунёда камдан-кам учрайдиган ноёб жуфт эдилар. Бу жуфтлик тимсолида дадил тасаввур, хаёлот (Альберт) ҳамда теран ақл-заковат (Милева) иттифоқи – само ва ер иттифоқи мужассам эди, гўё. Таассуфки, ана шу фавқулодда ажойиб ва мукаммал иттифоқнинг умри абадий бўлмайди.

1911 йилда оилада кенжа ўғил дунёга келади ва шундан бошлаб эр-хотин ўртасидаги муносабатларга дарз кетади. Бошланиб қолган уруш эса ўз ишини қилади, уларни батамом айириб юборади: Милева Цюрихда қолади, Альберт эса Берлинга кетиб, Физика институтига раҳбарлик қилади. Альбертнинг яқинлари яна унинг ўз оиласи, ота-онаси бағрига қайтганидан бахтиёр бўладилар, қариндоши бўлган бошқа қиз олимни бутунлай ўзига шайдо қилиб қўяди. Милева номида ҳамон «ташлаб кетилган хотин» тамғаси сақланиб турарди. Эри кетгач, аёл бор иродасини қўлга олиб, бу номни меҳрибон, жонкуяр она роли томон «ўзгартириш»га ҳаракат қилади, ўзининг жами туйғулари, меҳрмуҳаббати ва куч-ғайратини фарзандлари камолотига қаратади. Онанинг катта ўғилдан омади чопади: у ёрқин истеъдодли ва ажойиб йигит бўлиб вояга етади. Кичик ўғил руҳияти нозиклиги ва феълининг мураккаблиги билан ундан фарқ қиларди. Ноёб хотирага ҳамда мусиқий қобилиятга эга бўлган кичик ўғил ўзини ижодий жиҳатдан намоён эта олмайди ва бундан телбаларча изтироб чекади. У аста-секин руҳий хасталикка чалинади. Онанинг ҳаёти нақ жаҳаннам азобига айланади. Бир дақиқа бўлсин, ана шу азобларга қарамасдан ҳамон севишни ва саждa қилишни канда қилмаган Милева собиқ эрининг онда-сонда ва бирровга уларни, болаларини йўқлаб келишидан боши кўкларга етади ва бу ташрифлар ҳаётидаги ягона қувонч бўлади.

Альберт Эйнштейн собиқ суюклисига ачинганиданми, унга ҳамдардлигиданми ёки бўлмаса, аёлнинг яхшиликларига жавобан миннатдорчилигиданми, 1921 йили олган Нобель мукофоти учун берилган ҳамма маблағини Милевага ҳадя этади...

Унинг тақдири фожиавий ва шу билан бирга фараҳлидир. Чунки уни бутун умри давомида фақат юксак, олижаноб туйғулар бошқарди. Аёл ўз кўнглидаги эзгу ҳисларга суяниб яшайди. Олиманинг ватандоши, серб журналисти Десанка Трбухович-Журич буюк олимнинг рафиқаси Милевага бағишлаб китоб ёзади. Бу китоб ана шу ажойиб, кўнгли дарё аёлга нисбатан ҳайрат, эҳтиром туйғуларига лиммолимдир. Муаллифнинг айтишича, ниҳоят парда кўтарилади ва истеъдодли, ироддали аёлнинг ҳали кўпларга номаълум қирралари очилади.

**Маъсума АХМЕДОВА тайёрлади.**

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

# БУЙРАГИНГИЗ БЕЗОВТА ҚИЛМАЯПТИМИ?

***Танамиздаги бир жуфт буйрақдан бир кеча-кундузда ўртача 1,5-2 литр пешоб ажралади. Бундан ташқари, улар турли эндокрин гормонлар ҳам ишлаб чиқарадики, буларнинг қонга қуйилиши қон босими меъёрида бўлишини, қоннинг ивиши, суюлиши ва томирларда равон оқишини таъминлайди. Хуллас, буйрак организмда муҳим ишларни бажарар экан, унга нисбатан эътибор ҳам шунга яраша бўлиши керак. Биқинингизда оғриқ сездингизми, «ўтиб кетади», дея беларво бўлманг. Ҳар қандай касалликни даволагандан кўра олдини олган яхши-да. Хўш, буйрақдаги оғриқлар нималардан дарак беради? Бу каби саволларга уролог-андролог Ҳайдар ТУРСУНБОЕВ жавоб беради.***



**Нефрит** — буйракнинг яллиғланиши бўлиб, асосан буйрак томирлари зарарланади. Касаллик кўпинча ангина ёки стрептококклар қўзғатувчи юқори нафас йўллари касаллигидан кейин юзага келади. Баъзида ўпка яллиғланиши, дифтерия, тошмали терлама ёки ич терлама, қаттиқ совуққотиш ҳам нефритга сабаб бўлиши мумкин.

Касаллик бошланишида тана шишади, артериал босим кўтарилади. Шиш эрталаб юзда пайдо бўлса, кечга яқин камаяди. Кейинчалик бутун баданга тарқала боради. Нефрит билан оғриган беморлар албатта касалхонада даволанишлари шарт.

**Пиелонефрит** — буйрак жомининг яллиғланиши бўлиб, касаллик асосан буйрак тўқимасига микроблар тушишидан юзага келади. Микроблар буйракка қаердан тушади? Танада яллиғланган жойлар бўлганда (масалан: ангина, тонзиллит, тишлар чириши натижасида) инфекция қон томирларидан ўтиб буйракка киради. Эт увишиши, титраб-қақшаш, тана ҳароратининг кескин кўтарилиши, қаттиқ терлаш, белнинг бир томонида ёки умуртқа поғонасининг икки ёнида оғриқ туриши, кўнгил айниши, қайт қилиш, оғиз қуриши, мушакларнинг безиллаб оғриши сингари ноҳуш ҳолатлар бу хасталикка хос белгилар саналади. Шунингдек, сурункали пиелонефрит йиллар давомида ҳеч қандай белгисиз кечиши ҳам мумкин, кейинчалик у фақат пешобни текширгандагина аниқланади. У секин-аста, вақти-вақти билан кучайиб боради, бунда албатта даволаниш зарур.

**Нефроптоз** — буйракнинг ўрнидан пастга силжишига айтилади. Буйраклар соғлом одамларда ҳам нафас олиш ва чиқариш пайтида ёки тана ҳаракатининг ўзгаришига қараб бироз силжиб туради.

Бу хасталик туғма ҳам бўлиши мумкин. У уч босқичда кечади. Дастлабки босқичда буйракнинг пастки қисми қўлга сезилса (соғ одамда буйрак қўлга билинмайди), иккинчи босқичда буйрак тўлиқ сурилади, учинчи босқичда хар томонга суриладиган бўлиб қолади. Нефроптозда вақти-вақти билан (айниқса, кўп юриб ёки чопиб келгандан сўнг) буйрак, қорин, киндик соҳасида белга ё қовуққа бериладиган оғриқ пайдо бўлади. Бу касаллик белгиси саналади.

Уни даволаш операциясиз ва жарроҳлик йўли билан олиб борилади. Биринчи усул асосан бандаж тақиш, қорин деворини мустаҳкамлаш ва қорин бўшлиғи босимини ошириш йўли билан буйракни ўз ҳолига келтириш кўзда тутилади. Бандаж қорин пастидан тепага қараб ўралиши, қорин деворини бир текис қисиб туриши, уни эрталаб ётган ҳолда тақиш ва кечқурун уйқудан олдин ечиш керак. Бундан ташқари, даволаш мақсадидаги жисмоний машқлар, эрталабки бадантарбия, сузиш жуда фойдали.

Иккинчи, яъни жарроҳлик усули (нефропексия)да эса тушган буйрак ўз ўрнига қўйилади. Касаллик асоратлари юзага келмасдан илгари амалга оширилса, кўпроқ самара беради.

Гўштли маҳсулотлар ва хамирли таомларни ҳаддан ортиқ кўп истеъмол қилганда пешоб йўлларида кальций тузлари тўпланганда ва бора-бора тош ҳосил бўлганда, тозалаш муолажалари албатта ижобий самара беради. Халқ табобатида тарвуз истеъмол қилиш билан буйраклар тозаланган. Бир суткада ейдиган тарвуз икки-икки ярим килограммни ташкил қилиши керак. Бу муолажа бир ҳафта давом эттирилади. Агар таом истеъмол этиш зарурати пайдо бўлса, фақат қора нон ейилади. Бундан ташқари, кетма-кет ичилган лимонли чой ҳам кучли пешоб ҳайдовчи бўлиб, қум ва тошлардан халос этади.

Буйракларни ювишнинг яна бир усули — наъматак (шиповник) мевасидан махсус тайёрланган қайнатмани ичишдир. Бунинг учун эллик грамм наъматак мевасини бир литр қайноқ сувга солиб, ўн беш дақиқа паст оловда қайнатилади. (Қайнаётганида идиш қопқоғи ёпиқ турсин). Сўнгра сузиб олинади. Кунига уч маҳал овқатланишдан олдин бир стакандан ичилади. Муолажа муддати — икки ҳафта.

Абу Али ибн Сино шундай ёзган: **«Майизли дамламани буйрак, қовуқ хасталикларида ичиб турилса, яхши фойда қилади»**. Уни тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка ярим стакан майиз солиб, устидан қайноқ сув қуйилади. Бешетти дақиқа дам едирилади. Овқатланишдан аввал бир-икки пиёладан ичилади.

Нўхатни эзиб, чойнакда қуюқ дамлаб ичиб турилса, буйрак ва қовуқда пайдо бўлаётган қум ва тошлар нураб тушади.

Буйрагида яллиғланиш бор беморлар қовоқ уруғини дамлаб ичишлари лозим. Шунингдек, қовоқнинг этини хомлигича эзиб, суви чиқарилади ва кунига ярим стакандан ичилади. Бу муолажа қовуғи ва буйрагида қум, тош бўлганда фойда қилади, у ердаги яллиғланишларни тузатади.

Маккажўхори попугини қайнатиб, сувини ичиш керак. Бу қайнатма қовуқдаги тошни майдалаб тушириш хусусиятига эга. Қайнатма тайёрлаш учун уч-тўрт ош қошиқ маккажўхори попугига бир ярим стакан сув қуйиб, ўттиз дақиқа паст оловда қайнатилади. Ҳар куни уч-тўрт соатда бир-уч ош қошиқдан ичиб турилади.

К витамини етишмаганлиги туфайли ҳам буйрак хасталиги келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам таркибида бундай витамин (филлохинон) бўлган маҳсулотлар — исмалоқ, карам, қичитқининг яшил сингарилардан истеъмол қилиб турилса, фойдаси кўп.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА тайёрлади.**

# РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

**Халқимизда одамнинг ичидаги юзига уради, деган гап бор. Бу ҳар томонлама ўйлаб айтилган. Ички аъзоларимизда қандай ўзгаришлар рўй бераётганини юзимиз билдириб туради. Шу орқали турли ички касалликларни аниқлаш мумкин.**

➔ Рангпарлик анемия, айрим ҳолларда юрак нуқсонидан хабар беради. Баъзан эса тоза ҳавода сайр қилиш билан ҳам рангпарликдан қутулиш мумкин.

➔ Терининг кўкариб қолиши танада қон айланишининг бузилиши, юрак ёки ўпкада бирон ўзгариш бўлганидан белги беради.

➔ Қон босими кўтарилиб кетганда ёки қон томир тизими касалликларида юз териси қизаради. Лекин бундай қизиллик терининг юпқа бўлишида, томирларнинг тери юзасига яқинлиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

➔ Пешонада тешикчаларнинг кўпайиши, кўз тагларининг қизариши юрак мушакларининг қон билан яхши таъминланмаслигидан келиб чиқади. Бу ҳолатда ҳар эҳтимолга қарши терапевт ва кардиолог кўригидан ўтиб қўйинг.

➔ Сариқ ранг жигарга инфекция тушиши (масалан, гепатит) сурункали (жумладан, ирсий) касалликларнинг зўрайиши, ўт-тош, талоқ, қон хасталиклари ҳамда турли дориларни қабул қилиш ёки ўсма натижасида юзага келади.

➔ Ҳуснбузарлар тошиши кўпроқ ўсмирларда кузатилади. Агар ёши катта аёл ёки эркакларда ҳам пайдо бўлса, гормонал мувозанат бузилишини билдиради. Ёши 40 дан ошган аёл юзида қизил тусдаги ҳуснбузарлар, тошмалар пайдо бўлса сурункали жигар хасталиги ёки ошқозон ичак тизими ишдан чиққанлигидан далолатдир.

➔ Пигмент доғлари ҳомиладорлик вақтида кўпаяди. Бошқа пайтда намоён бўлса, моддалар алмашинуви ва жигар фаолиятига жиддий эътибор қаратиш керак.



➔ Кўз остидаги доирасимон қорамтир доғ сурункали толиқиш, буйрак ёки юракдаги ўзгаришлардан дарак беради. Болалардаги бу ҳолат аллергия белгиси бўлиши мумкин.

➔ Юзнинг шишиб кетиши (ёки кўз остининг шишиши) - ортиқча суюқлик ичиш, юрак ёки буйрак хасталиги, қон айланишининг бузилишидан. Кам сув ичаётган бўлсангиз, лекин шишлар пасаймаётган бўлса, шифокорга мурожаат қилинг.

➔ Ёш кишиларда керагидан ортиқ ажинлар бўлса, атеросклероз ва юрак қон-томир хасталиклари эрта ривожланаётган бўлиши мумкин.

➔ Қошлар ўртасидаги вертикал ажинлар жигар зўриқишидан хабар беради.

➔ Юз мушакларининг учиши асаб касалликларидан келиб чиқади ёки танангизда магний етишмаяпти.

➔ Юзнинг қизиллиги нафақат қандли диабет, сил, гипертония билан касалланган беморларда, балки сопа-соғ одамда ҳам учраши мумкин.

➔ Йирингли яранинг тез-тез пайдо бўлиши (масалан, йилда бир неча бор) иммунитет пасайиб кетганидан ёки сурункали чарчоқдан хабар беради. Бундай ҳолат қандли диабетда ҳам учраб туради.

➔ Юз ва танадаги тошмалар аллергиядан тортиб хавфли юқумли касалликлар белгиси бўлиши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ранг кўр, ҳол сўр, деганлари шу бўлса керак. Бу белгиларни ўқигач, энди нафақат ўзингиз, балки яқинларингиз юз-кўзига қараб уларнинг саломатлиги қандай аҳволда эканлигини билиб турасиз.

**Аброр УМАРҚУЛОВ тайёрлади.**

# ЖИҒИЛДОН ҚАЙНАСА...

***Жиғилдон қайнаши ошқозон ва 12 бармоқли ичак яллиғланишининг бир кўринишидир. Сурункали гастритни «талабалар касаллиги» деб бекорга айтишмайди. Бу касаллик ўз вақтида овқатланмаслик, дудланган, ўткир салатларни керагидан ортиқ ейиш оқибатида келиб чиқади.***

Касалликнинг асосий белгиларидан бири овқатлангандан кейин жиғилдон қайнаши, кўнгил айниш, ҳолсизлик. Ўз вақтида даволанмаслик оқибатида ошқозон шиллиқ қаватида эрозия, яралар пайдо бўлади ва катталашади. Кейинчалик бу яралар беморни оғир аҳволга олиб келиши мумкин. Ташхис қўйилишида ошқозон сокини текшириш яхши самара беради. Кўпинча, бундай беморларга гастролог, рентгенолог текширувлар тавсия қилинади.

Бундай беморлар парҳезга жиддий эътибор беришлари керак. Ўткир, аччиқ маҳсулотларни истеъмол қилиш касалликни қўзғалиб кетишига сабабчи бўлади. Шифокор маслаҳати билан бемор тўғри овқатлана бошласа, ушбу касалликнинг юқорида кўрсатилган асоратлари камаяди.

Парҳез тутиш бемордан катта сабр ва ирода талаб қилади. Кунига 5-6 марта парҳез овқатларни оз-оз истеъмол қилишлари шарт. Нордон лимон, апельсин, анор, аччиқ гармдори, тузланган бодринг, помидор, ҳамда ўта шўр овқатларни ейиш тавсия этилмайди. Таом тайёрлашда мол ёғидан эмас, ўсимлик ёғини ишлатиш айни муддао бўлади.

**ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИ**

**1.** Жиғилдон қайнашини тўхтатиш учун қатиқ зардобидан фойдаланиш зарур. Шу зардобдан 3 марта ичиш жиғилдон қайнашини таққа тўхтатади.

**2.** Сабзини қирғичдан ўтказиб, сиқиб олинган шарбатидан 2-3 қултум ичиш тавсия этилади.

**3.** 3 чой қошиқдаги укроп уруғи майдаланади. 1 стакан қайноқ сувга солиб дамланади. 2 соатдан сўнг докадан сузиб олинади ва 2 ош қошиқдан 5 марта қабул қилинади. Даволаш - 1 ҳафта.

**4.** Оддий ошга солинадиган нўхатнинг 1 сиқимини кострюлкага солиб оз(гина) (10дақиқа) қайнатасиз. Уни оз-оздан кунига 5 марта истеъмол қиласиз. Даволаш муддати - 2 ҳафта.

**5.** Гиёҳлардан тайёрланган дамлама: дала чой (зверобой) - 75г., ялпиз - 75 г.нни аралаштириб қўйилади. Кечқурун бу аралашмадан 3 ош қошиқ олиб, устига 3 пиёла қайноқ сув солиб эрталабгача дамлаб қўясиз. Бир кунда 3 марта сувини ичиш керак. Даволаш муддати - 2 ҳафта.

**6.** 100г. асал, 20г. зайтун ёғи, 1 дона лимон шарбати. Ҳаммасини қўшиб аралаштириб, 1 ош қошиқдан овқатдан олдин ейилади.

**Тоҳир ИБРАГИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

**Кўпинча инсон ўз ўтмишига бирров назар ташласа, жуда кўп хатоликларга йўл қўйгандек бўлаверади. Агар эндиги ҳаётида ўтмишдаги каби ҳолат учраса, бутунлай бошқача йўл тутишини ўйлаб ҳам қўяди. Афсуски, келажакни ўтмишдек кўриб бўлмайди-да. Ҳартугул тўғри хулосалар бир куни барибир ўз фойдасини бериб қолади.**

НИМА ДЕЙСИЗ?

# БЕГОНА «ҚИЗИМ»

Яқинда таҳририятимизга Акмал деган йигит келиб, «юзма-юз, қоғоз-қаламсиз гаплашсак бўладими?» деб сўради. Очиғи, бир воқеани бизга сўзлаб бериш истаги уни газетага бошлаб келибди. Бу юртдошимиз ҳаётида содир бўлган ушбу воқеа хусусида мулоҳаза юритишни ўринли, деб билдик.

У оқ-сариқдан келган, ўрта бўйли, сочлари сарғиш, кўзлари мовий, истаралигина йигит экан. Унинг ташки кўринишини бежиз эслатмаяпмиз. Воқеада бу жиҳатнинг ҳам алоҳида ўрни бор.



**АКМАЛНИНГ ҲИКОЯСИ**

*— Бу воқеага беш-олти йилча бўлиб қолди. Бир куни ишхонамда ўтириб, уй сотиб олиш учун газетада чиққан эълонлардан бири бўйича қўнғироқ қилдим. Гўшакдан аёл кишининг рус тилидаги жавоби эшитилди. Харид шартлари менга маъқул бўлиб, ўша манзилни топиб бордим. Эшик қўнғироғини босдим. Менлигимни билиб, аёл эшикни очди. Салом-аликдан сўнг... У бир зум ҳайрон бўлиб менга тикилиб қолди. «Кечирасиз, адашибман шекилли?» — дедим. У «йўқ», — деди овози қалтираб. Кейин ҳартугул ўзини ўнглаб, «ичкарига киринг», — деди. Ошхона томондан қўшиқ хиргойи қилиб, ўйнаб ўтирган қизалоқнинг овози келди. Мен хоналарни кўздан кечириб, кейин ошхонага ўтдим. У бўлса икки хонали квартирасини тинимсиз мақтаб турибди. Ошхонага қадам қўйишимни биламан, ҳалиги қизалоқ, тахминан икки-икки ярим яшар бўлса керак, мени кўрди-ю, «Папа!» деб ўзини бағримга отса бўладими? У шунақа ширин эдики, унинг интилишини рад этиб бўлмасди. Уни бағримга босиб, жувонга қараб, «тушунмадим», деган маънода лабимни бурдим. Аёлнинг эса кўзлари ёшланди.*

*Кейин менга оилавий альбомини кўрсатди. Тасодифни қаранги, суратлардаги эркак гўёки менман. Билдим, унинг эри менга жудаям ўхшар экан. Дарвоқе, сочларим сариқ, кўзларим мовий. Баъзан кўча-кўй, бозор-ўчарда ўзбеклар ҳам менга русчалаб гапиришади. Ўзбекча жавобни эшитгач, кулиб қўйишади. Хуллас, қизча мени отасига ўхшатибди.*

*Аёлнинг айтишича, эри олти ой олдин Россияга кетиб, қайтиб келмабди. Тез кунда уларни ҳам олиб кетишини айтган экан. Аммо, шунча вақтдан бери дом-дараксиз. Қизча уни яхши кўрар, соғинар экан. Вазиятни тушуниб, қизчани бироз эркалатдим. Пастга тушиб, музқаймоқ ҳам олиб бердим. Уйнинг нархини келишолмадик. Тез орада бошқа жойдан уй сотиб олдим.*

*Бир куни ишхонамда ўтирсам, телефон жиринглади. Гўшакни кўтарсам, бир аёл русчалаб салом берди. Ҳайрон бўлдим. Билсам, ўша аёл экан. Ўшанда унинг телефонида менинг иш телефоним рақамлари ёзилиб қолган экан. Хуллас, у уйини сотмабди. Менга арзон нархда беришини айтди. Мен эса аллақачон бошқа уй сотиб олганимни айтдим. У йиғлаб гапира бошлади.*

*Гап шундаки, қизчаси ўша кундан бери хархаша қиладиган, отасини сўраб йиғлайдиган бўлиб қолибди. Бир келиб, уни овутиб кетишимни илтимос қилди. "Ҳаракат қиламан", — дедим зўрға, бошқа нима дейишимни билмай. Ахир оилалиман, ўзимнинг ҳам икки фарзандим бор. Воқеани хотинимга сўзлаб бердим. У аввал ҳазил қилди. Сўнг қизчага раҳми келиб, "бориб кела қолинг", деди.*

*Хуллас, уларникига бордим. Қизчани кўчада, боғларда сайр қилдирдим. Қўғирчоқ олиб бердим. Роса хурсанд бўлди. Кейин «қизим, энди мен узоққа кетаяпман, яқинда келаман», деб у билан хайрлашдим. Ўзиям актёр бўлиб кетдим-ов. Аёлдан узр сўраб, менга бошқа қўнғироқ қилмаслигини тайинладим. Орадан икки йилча вақт ўтгач, ҳалиги аёл яна менга қўнғироқ қилди. Яна ўша гап! Наҳотки, қизчанинг отаси келмаган бўлса? Мен энди унинг илтимосини қатъий рад этдим. Чунки бу воқеанинг давоми қачондир — қизчанинг ёлғонларга ишониб юргани фош бўлганида мен виждонан қийналаман, деб ўйладим. Ҳозир у кичкина, бу нарсага кўникиб кетар, деган фикрга бордим. Шу-шу у бошқа қўнғироқ қилмади...*

*Яқинда бир иш билан ўша «дом»га йўлим тушди. Ўзим сезиб-сезмаган ҳолда бегона «қизим»нинг тақдири билан қизиқиб, таниш уй қўнғироғини босдим. Қизча ҳам анча катта бўлиб қолгандир, деб ўйладим. Эшик очилди. Лекин уй эгалари бошқа одамлар экан. Маълум бўлишича, аёл уйини сотиб бошқа жойга кўчиб кетибди. Манзилини афсуски, билишмас экан. Энди уларни излаш бефойда эканлигини сезиб турибману... лекин биласизми, кўнглимнинг бир четида хижолатомуз туйғу ва унинг тасаввурида «ёмон ота»га айланиб қолмаслик ҳисси мени ҳалиям безовта қиларди. Тағин, ўйламанг, шу қизча баҳонасида унинг онасига ўзимча меҳрибонлик кўрсатиб, орамизда ишқий саргузаштлар ҳам содир бўлмаган. Ким билади, негадир унга ўхшаб, мен ҳам ўрганиб қолган эканманми?..*

Хўш, нима деб ўйлайсиз, Акмални бир қадар қийнаб келаётган бу кутилмаган воқеа билан боғлиқ юрак қийноғи, кўнгил хижолатчилиги ҳақида қандай фикрдасиз? Унинг ўрнида сиз бўлсангиз, қандай иш тутардингиз? Муносабатларингизни кутамиз. Ахир, бежизга «кўнгил кўнгилдан сув ичади», демайдилар-ку!

**Наргиза САРИМОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ТААССУФ

# ЖАРИМА ЎРНИГА... ҚАРҒИШ КЕРАКМИ?

Ҳар доимгидек ишга кетар эканман, кўп қаватли уйлар ёнидаги очиқ ерда ахлат уюми тўпланиб турганига кўзим тушди. Ҳар хил нарсалар сочилиб ётар, атрофни чивин-пашшалар босиб кетганди. Чиқинди тепасидаги оқ бетонда «Ахлат тўкма! Жарима – 20 минг сўм», деган ёзув бор эди. Билдимки, биров чиқиндиларни бу ерга тўкилмаслиги учун шундай деб атай ёздирган. Атиги бир кунгина тоза турди. Эртаси куни яна шу аҳвол. Ахлатлар яна хирмон бўлиб уюлиб ётарди. Бетондаги жарима 25 минг, ундан 30 минг, ниҳоят 50 минг сўмгача деб ёзилди. Аммо чиқиндилар кўпайса-кўпаярдики, камаймасди. Бир куни йўлим яна ўша томонга тушиб, ўтиб кетаётсам, ташландиқ жой топ-тоза бўлиб қолибди. Ҳар доимги уюм-уюм ахлатдан асар ҳам йўқ. «Жарима ундирилади», деган ёзувнинг ўрнига эса катта-катта қилиб «Ахлат тўккан, ахлатдек хор бўлсин», деб ёзиб қўйилибди. Тавба, дейман ўзимча, иложи бор экан-ку. 50 минггача жарима ёзилдиямки, таъсири деярли кам бўлди, мана, бир оғиз сўз билан тартибга чақирса бўларкан-а?

Аслида-чи? Чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, ҳар биримиз учун сиҳат-саломатлигимиз кафолати саналмиш озодалик, тозаликка турли миқдордаги жарима-ю ёзувларни ўқиб эмас, аксинча, озгина эътибор ва ҳафсала орқали риоя этсак ҳам бўлади. Шундай эмасми?

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Бўка тумани.**

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

### СУВ МЎЪЖИЗАМИ, ЁКИ?..



**...Танамизнинг 70 фоизини ёки сизу биз истеъмол қиладиган сутнинг 87 фоиз, гўштнинг 50–70 фоиз, нонниниг 35 фоизини ташкил этувчи «ҳаёт манбаи»ни қанча миқдорда қай тарзда ичган маъқул? Газлангани, газланмагани, водопровод ёки музлатгичдагиси, булоқдаги-чи? Қай бири фойдали-ю, қай бири?..**

### ХОРАЗМЛИК СИАМ ЭГИЗАКЛАРИ



**...Туғруқхонадан хабар келди: «Келинингизнинг кўзи ёриди, Ҳасан-Ҳусан!» Комилжон ака билан Ўғилжон опа қўш невaралик бўлишганидан қувона-қувона туғруқхонага қандай етиб келишганини ҳам билишмади. Олти килограмм вазнда эгизак фарзандлар дунёга келган эди. Лекин ўз номи билан туғилган Ҳасан-Ҳусанлар кўпчилик эгизаклар каби айри-айри эмас, балки...**


ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA»
мижозлари ва ҳамкорларига қуйидаги суғурта турларини тақдим қилади:

- *Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;*
- *гаровга қўйилган мол-мулкларни комплекс суғурта қилиш;*
- *транспорт воситаларини суғурта қилиш;*
- *ипотека кредитларини комплекс суғурта қилиш;*
- *йўлдаги мол-мулкларни (юкларни) суғурта қилиш;*
- *кредитларни суғурта қилиш;*
- *тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурта қилиш;*
- *лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурта қилиш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг бўлғуси бошоқли дон экинларидан (буғдой, арпа, сули, жавдар) кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг пахта экинидан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш.*

ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA» — бизнесда энг ишончли ҳамкор!

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 273-74-86 (факс), 273-74-69, 273-74-59



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46
Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 12445
Навбатчи — Басира САЙДАЛИЕВА
Саҳифаловчилар — Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ
Мусаҳҳиҳ — Саидғани САЙДАЛИМОВ

ISSN 2010-7609

1 2 3 4 6 7 8



E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
oilavajamiyat@rambler.ru